ОПИСАНО

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

27 НОЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ШАНБА
№ 271 (2.677).
Баҳоси 3 тийин.

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Советлар мамлакати яқинда ўн биринчи беш йиллиқнинг учинчи йилига қадам қўяди. Халқимизнинг зафарлари улуғвор, унинг олдида турган вазифалар эса мураккабдир. Партия билан халқнинг бузилмас бирлиги, уларнинг Ленин йўлидан олға томон қатъий ва оғишмай бораверишигина эришилган ана шу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши учун гаровдир. Леонид Ильич Брежнев билан видолашув кунлари, КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми буни бутун дунёга яна бир марта кўрсатди. КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги Пленуми ва ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси буни янги куч билан тасдиқлади.

Пленум 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва СССР Давлат бюджетининг лойиҳалари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Леонид Ильич Брежнев хотирасини абадийлаштириш ҳақида»ги қарорини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов Пленумда катта нутқ сўзлади. Унинг нутқида партия ички ва ташқи сиёсатининг давомийлиги қайд этиб ўтилди, беш йиллик навбатдаги йили плани ҳамда бюджети таърифлаб берилди, Совет экономикасининг аҳволи чуқур таҳлил этилди, халқ хўжалигини ривожлантиришдаги қийинчиликлар ва камчиликлар кўрсатилди, уларни бартараф этиш йўллари ва воситалари белгилаб берилди.

Маълумки, КПСС XXVI съезди партиянинг ўн биринчи беш йиллик ва умуман 80-йилларга бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли стратегиясини —совет кишилари йилдан-йилга яхшироқ яшашларга ва уларнинг меҳнати тобора салмоқлироқ натижалар беришига, социалистик тузумимиз ўзининг инсонпарварлик моҳиятини, ўз бунёдкорлик имкониятларини тобора тўлиқроқ намоён этишига қаратилган стратегияни конкретлаштириб берди.

Пленумда қайд этиб ўтилганидек, 1983 йилги план ва бюджет лойиҳалари умуман шу стратегияга мос келади. План лойиҳасида санъат ва қишлоқ хўжалигини муттасил ривожлантиришга, капитал маблағларни жамлашга, ҳар бир Совет республикасининг экономикасини янада юксалтиришга қаратилган тадбирлар баён этилган. Халқ хўжалиги самарадорлигини оширш ишлари давом эттирилади—моддий ҳаражатлар ва меҳнат ресурсларини нисбатан камроқ сарфлаган ҳолда тинғиз топшириқларни бажариш керак бўлади.

Келгуси йил истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад 3,3 процент ёки шу йил қутилаётган 9 миллиард сўмлик ўрнига 15 миллиард сўмлик кўпаяди. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги 3 процентдан зиёд ортади.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 3,2 процент, барча турдаги транспортнинг юк оборати 3,6 процент, капитал қурилиш ҳажми 3,2 процент кўпаяди. 1983 йилда 1.405 миллиард киловатт-соат ёки шу йилдагига қараганда 3,3 процент кўп электр-энергия ҳосил қилиш кўзда тутилмоқда, бунда планлаштирилаётган ўсишнинг учдан икки қисми атом станциялари ва гидростанциялар зиммасига тушади. Нефть ва газ конденсати қазиб чиқариш 619 миллион тонна ҳажмида планлаштирилмоқда, бу эса беш йиллик топшириқларига мувофиқдир. 529 миллиард куб метр— 1982 йилдагига қараганда 29,5 миллиард куб метр кўп газ қазиб чиқарилади.

Агросаноат комплексини ривожлантиришга ва СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Умуман комплексни ривожлантиришга сап кам 47 миллиард сўм—шу йилдагига нисбатан 4,3 процент кўп маблағ сарфланади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 137,3 миллиард сўмликни ташкил этади ва 1982 йилга нисбатан 10,5 процент ортади. Гўшт етиштириш бир йил ичида 6,1 процент, мол ёғи —8,4, пишлоқ—6,8 консервалар 4 процент кўпаяди.

План лойиҳасида партиянинг халқ фаровонлигини оширишга қаратилган нўлига амал қилинаётганлиги кўриниб турибди. Бу нарса «А» группаси тармоқларига нисбатан «Б» группаси тармоқлари маҳсулоти ишлаб чиқаришни («А» группасидаги 3,1 процент ўрнига «Б» группасида 3,5 процент) илдам ўстиришда ҳам, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўлайтиришда, шундай молларнинг хилини ошириш ва сифатини яхшилашда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти 314,6 миллиард сўмликни ташкил этади (бир йил ичида 5,4 процент ўсади). Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматнинг йиллик ҳажми 6,8 процент, шу жумладан қишлоқ жойларда 8,2 процент ортади. 106,6 миллион квадрат метр уй-жой бинолари қурилади, бу эса беш йиллигининг 1983 йилги топшириғидан ошиб кетади.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақини 180,4 сўмгача ёки 1982 йилга нисбатан 1,9 процент ва колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақни 130 сўмгача ёки 2,1 процент оширш мўлжалланмоқда. Иш ҳақини кўпайтириш, пенсия таъминотини яхшилаш, болали оилаларга давлат ёрдамини кучайтирш борасидаги катта-катта тадбирлар давом эттирилади. Келгуси йил аҳоли жон бошига реал даромадлар 3 процент кўпаяди. Беш йиллигининг дастлабки икки йилида шундай даромадларнинг ўртача йиллик ўсиши 1,8 процент бўлган эди.

Ижтимоий истеъмол фондлари 1983 йилда 134 миллиард сўмлик бўлади; бу фондлар бир йил ичида 4,7 процент ошади. Ижтимоий фондларнинг ўсиши —маориф ва маданиятни янада ривожлантириш, аҳолининг социал таъминоти ва унга медицина хизматини яхшилаш демакдир.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари совет кишиларининг, ҳозирги ва келгуси авлодларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Ана шу мақсадлар учун бир йил ичида давлатнинг 1,9 миллиард сўм капитал маблағини сарфлаш кўзда тутилади.

Бизнинг муваффақиятларимиз улуғвор ва шубҳасиздир. Қилган ишларимиз оз эмас, лекин олдимизда Совет жамиятини янада ривожлантиришдан иборат ҳаётий муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган қийин ва қизғин ишлар турибди. Ана шу вазифалар муваффақиятли ҳал этилган тақдирда бизнинг экономикамиз бундан буён ҳам ўсиб, халқ фаровонлиги юксалиб бораверади. Шу муносабат билан Пленумда бир қанча энг муҳим кўрсаткичлар юзасидан план топшириқлари беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида бажарилмай қолганлиги, бу эса табиийки, 1983 йилги план лойиҳасига таъсир ўтказганлигига эътибор жалб қилинди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, уни интенсивлаш йўли ҳамон суст кашлик билан ўтказиб келинмоқда. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари бизни қаноатлантираолмайди, ваҳоланки бу —экономика самарадорлигининг асосий кўрсаткичидир. Планлар ҳамон катта харажатлар ва ишлаб чиқариш чиқимлари эвазига бажарилмоқда. Мана шу камчиликларни бартараф этмоқ учун инерция кучига, эски одатларга барҳам бериш, ишга қандай киришиш кераклигини билмаётган кишиларга кўмаклашиш форма ва усулларини топиш, энг муҳими эса экономикага раҳбарлик қилишнинг барча соҳаларини —бошқарувни, планлаштиришни, хўжалик механизмини такомиллаштириш борасидаги ишларни жадаллаштириш керак.

Пленумда қайд этиб ўтилганидек, сифатли, унумли меҳнатни, ташаббускорлик ва омилкорликни рағбатлантирадиган иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур, яхши ишламаслик, сусткашлик, масъулиятсизлик эса ходимларнинг моддий тақдирланишигагина эмас, хизмат мавқеига ҳам, маънавий обрў-эътиборига ҳам бевосита ва муқаррар тарзда таъсир этиши керак.

Пленум умумдавлат, умумхалқ манфаатларига риоя этилиши учун масъулиятни кучайтиришни, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликка қатъиян барҳам беришни, партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай бузилишига мурosa қилиб турмасликни талаб этди.

Советлар мамлакати халқ хўжалигида катта-катта резрвларга эга. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш; материал ва меҳнат ресурсларидан яна ҳам оқилона фойдаланиш; иқодий ишлаш, халқ мулкига чинакам омилкорлик билан муносабатда бўлиш тажрибасини кенг оммалаштириш; хўжасизликка, исрофгарчиликка қарши қатъий кураш ана шундай резервлардир. Бунда шу вазифани мамлакатимиздаги ҳар бир ишчи, ҳар бир меҳнаткаш иштироки билангина амалга ошириш мумкин.

Бизнинг планларимизда Озиқ-овқат программасини руёбга чиқариш тадбирлари марказий ўринни эгаллаган. Қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона ишлари, шунингдек қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги туфайли бир қанча областлар, ўлкалар ва республикалар яхшигина натижаларга эришдилар. Донли экинлар ҳосили булутургига нисбатан анча кўпайди. Пахта, сабзавот, узумдан етиштирилган ҳосил чакки бўлмади. Сут ва тухум кўпайди. Айни вақтда баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги узилишларга ҳали ҳам барҳам берилгани йўқ.

Пленумда айтиб ўтилганидек, гарчи Озиқ-овқат программасини амалга ошириш бир йиллик иш бўлмасада, унинг бажарилишини чўзиб юбориш мумкин эмас. Агросаноат комплексининг ходимлари куч-ғайратларини кун сайин ошириб, шу вазифани ҳал этишга сарфланаётган жуда катта маблағлар бугунок самара берадиган ва эртага эса яна ҳам кўпроқ самара берадиган даражада меҳнат қилишлари керак.

КПСС Марказий Комитети Пленумда саноатнинг база тармоқларини ривожлантиришнинг баъзи энг муҳим масалаларни ҳам, чунончи ёқилғи-энергетика комплексини янада ривожлантириш темир, йўл транспортининг, қора металлургия саноати корхоналарининг ишини, капитал қурилиш ишларини тубдан яхшилаш масалаларини ҳам кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қарор қабул қилиб, унда 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда СССР Давлат бюджети лойиҳаларини асосан маъқуллади. СССР Министрлар Советига ана шу лойиҳаларни СССР Олий Советининг муҳокамасига киритиш таклиф қилинди.

ҚПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсат соҳасида партия XXVI съезди ишлаб чиққан йўлни амалга ошириш, коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш соҳасидаги амалий фаолияти тўла-тўкис ва батамом маъқулланди. Пленум ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни маъқуллаб, уларни барча партия ташкилотларининг фаолияти учун асос қилиб олишга қарор берди.

Пленум умумдавлат, умумхалқ манфаатларига риоя этилиши учун масъулиятни кучайтиришни, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликка қатъиян барҳам беришни, партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай бузилишига мурosa қилиб турмасликни талаб этди.

Энди гап КПСС Марказий Комитети Пленуми, СССР Олий Советининг сессияси қарорларини барча коммунистлар, барча совет кишиларига етказишда, 1983 йилги план топшириқларини ҳар бир корхона, ҳар бир коллективнинг вазифаларига тадбиқан конкретлаштиришда қолди. Гап кадрларни жой-жойига тўғри қўйишда, энг муҳими эса меҳнаткашлар оммасининг активлигини кучайтиришда қолди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми, СССР Олий Совети сессияси қарорларини пропаганда қилишда матбуот, радио ва телевидениенинг роли гоят катта. Улар совет кишиларининг меҳнати ва турмушини, бизнинг муваффақиятимизни ҳар томонлама ёркин ва тушунарли қилиб кўрсатиши, резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишдаги камчиликлар ва қийинчиликларни бартараф этишда ёрдам бериши, омманинг ташаббускорлигини актив қўллаб-қувватлаши керак.

Бизнинг бунёдкорлик режаларимизни амалга ошириш учун тинчлик бўлиши, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва чуқурлаштириш зарур. Марказий Комитет Пленумида совет ташқи сиёсатига катта ўрин берилди. Бу сиёсат партиямизнинг XXIV, XXV ва XXVI съездлари қарорларида белгиланганидек бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Мустаҳкам тинчликни таъминлаш, халқларнинг мустақилликка ва социал тараққиётга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — КПСС ленинча ташқи сиёсатининг ўзгармас мақсадидир. Партия билан давлат раҳбарлари, деб уқтирди ўртоқ Ю. В. Андропов, шу мақсадлар учун курашда принципиаллик, изчиллик ва вазминлик билан ҳаракат қилаверадилар.

Модомики, инсоният ўз келажагини тахлика остига қўйишни истамас экан, қуролланиш пойгасига ва урушларга доимо тоқат қилавермаслиги керак. Қурол-яроғларсиз дунё—социализм идеалидир. Ҳозирги ҳарқаро вазиятга хос қийинчиликлар ва кескинликка келганда, улар бартараф этилиши мумкин ва бартараф этилиши лозим.

Социалистик ҳамдўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ҳақида КПСС зўр гамхўрлик қилаверади. Партия қардош мамлакатларнинг ҳамкорлиги ва социалистик ўзаро ёрдами тобора чуқурлашиб ва самаралироқ бўлиб боришига, шу жумладан илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, транспорт, энергетика вазифаларини ва бошқа вазифаларни биргаликда ҳал этиш ҳам мана шундай чуқур ва самарали бўлишига интилмоқда. Империализмнинг агрессив кирдикорлари бизни қардош социалистик мамлакатлар билан биргаликда ҳамдўстлигимизнинг мудофаа қобилиятини лозим даражада сақлаб туриш ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур этмоқда.

Мустамлакачилик зулмидан халос бўлган давлатлар билан, ўз мустақиллигини ҳимоя қилаётган халқлар билан Бирдамлик Совет ташқи сиёсатининг энг муҳим принципларидан биридир.

Совет мамлакати ошкора, халол ҳамкорликни хоҳловчи барча мамлакатлар билан шундай ҳамкорлик қилишга тайёрдир. Ижтимоий системалардаги тафовутлар бунга ҳалақит бермаслиги керак. Бунда биз бирон бир мамлакат билан муносабатларни нормаллаштиришга тайёргарлик учун турли соҳаларда олдиндан ён бериш билан ҳақ тўлаш ниятида эмасмиз. Биз ҳам ядровий, ҳам оддий қурол-яроғлар пойгасини жиловлаш тарафдоримиз, аммо ҳеч ким бизсан бир томонлама қуролсизланишимизни кутмай қўяқолсин. Биз иккала томоннинг манфаатларини эътиборга олиш ва тенг ҳуқуқлилик асосидаги битимлар тарафдоримиз.

КПСС Марказий Комитети Пленумида кескинликни юмшатиш сиёсати ўтиб кетган босқич эмаслиги, бу сиёсатнинг келажаги порлоқ эканлиги таъкидланди. Халқлар собитқадамлик билан актив ҳаракат қилиб, ядро уруши хавфини даф қила оладилар, тинчликни, бинобарин, планетамизда ҳаётни сақлаб қола оладилар.

КПСС Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг материалларини партия, бутун совет халқи маъқуллаб кутиб олди. Бу материаллар хусусида жаҳон жамоатчилиги жуда кўп фикр-мулоҳаза билдириб, унинг зўр эътиборини жалб этди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашган кўп миллатли социалистик Ватанимизнинг мшчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашлари ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг олтмиш йиллигини муносиб кутиб оладилар. 1983 йилни хўжалик ва маданий қурилишда янги зафарлар билан нишонлайдилар, мамлакатнинг Ленин йўлидан коммунизм сари янада муваффақиятли равишда олға боришини таъминлайдилар, деб комил ишонч изҳор этди.

(«ПРАВДА» газетасининг 26 ноябрь сонидаги бош мақоласи).

Ҳурмат тахтаси

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика Ҳурмат тахтасига ёзилди:

Сурхондарё области — область партия комитетининг секретари ўртоқ Каримов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Туробов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Шерматов, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Бозоров, «Сельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ Қодиров, область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Намозов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ Саидаҳмедов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Аҳмедов.

Мирзачўл район —район партия комитетининг секретари ўртоқ Сериков, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Оналбоев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Тулебоев, райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Кўракбоев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Шойбергенов, қишлоқ хўжалик ходимлари район касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Умирбеков, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Кулеш.

«Оқ олтин» хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши гўғрисида шу йил 26 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,01	109,31	—	103,13
ҚҚАССР	0,06	109,19	0,01	91,13
ХОРАЗМ	0,05	109,06	—	100,28
БУХОРО	0,12	105,85	0,16	48,45
НАВОИЙ	0,19	103,85	0,28	82,27
ФАРҒОНА	0,60	100,28	—	83,54
Сурхондарё	0,49	99,80	0,30	64,11
Самарқанд	0,70	98,16	1,01	95,65
Қашқадарё	0,78	97,41	1,20	92,80
Андижон	0,62	95,96	0,34	75,48
Жиззах	0,57	95,60	0,02	79,34
Сирдарё	0,43	94,14	0,19	88,01
Наманган	0,32	92,87	0,13	66,20
Республика бўйича	0,42	100,32	0,29	82,33
Шу жумладан ингичка толали пахта.				
НАМАНГАН	0,06	162,70	—	38,93
НАВОИЙ	0,10	143,63	0,18	119,53
БУХОРО	0,26	120,19	0,46	62,00
СУРХОНДАРЁ	0,29	119,39	0,45	96,14
ҚАШҚАДАРЁ	0,55	107,83	0,81	77,12
Республика бўйича	0,37	117,37	0,35	88,42

МЕҲНАТ, ТАЛАНТ ВА ИЛҲОМ — СССР ЮБИЛЕЙИГА

ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРИ ПРАВЛЕНИЕЛАРИНИНГ СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИ ОЛТМИШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БИРЛАШГАН ПЛЕНУМИ

Совет халқи дунёда биринчи социалистик давлат тарихидаги шонли сана — ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг олтмиш йиллигини кенг миқёсда ва тантанали нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Ҳозир ҳар бир киши, ҳар бир коллектив ўз ишини якунламоқда, келажак режаларини белгиламоқда. Бутун халқ билан биргаликда бу шодиёна байрамни зиёлиларимиз ҳам муносиб равишда кутиб олиб, КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга, халқнинг маънавий бойликларини кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Республика ёзувчилари ва рассомлари, кинематографиячилари ва композиторлари, архитекторлари, саҳна усталари, журналистлари Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда бу йил алоҳида жўшқинлик билан ишламоқдалар. Улар ўз ишларини улуғвор бунёдкорлик программаси баён этилган партия режаларига қиёс қилмоқдалар. Ўзбекистон Ижодий союзлари правленияларининг 26 ноябрь куни бўлиб ўтган бирлашган пленумида республика маданият арбоблари шу ҳақда гапирдилар. Улар социалистик Ўзбекистон олтмиш йил мобайнида босиб ўтган улуғвор йўлга яна бир бор назар ташлаш, ўзларининг энг муҳим вазифаларини биргаликда муҳокама қилиш, ўзларининг ижодий меҳнати коммунистик қурилиш талабларига нақадар мувофиқлигини аниқлаб олиш учун шонли юбилей арафасида тўпландилар.

Бирлашган пленумни Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия очди.

Мажлис аҳли замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб, ҳурмат билан эсга олди.

Пленумда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов, республика Рассомлар союзи правлениесининг раиси СССР халқ рассоми Р. А. Аҳмедов, Ўзбекистон Архитектўрлар союзи правлениесининг раиси Т. Ф. Қодирова, республика Журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев, Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти С. Эшонтўраева, Қорақалпоғистон халқ шоири И. Юсупов, СССР халқ артисти М. Ф. Мансуров, «Ленин байроғи» газетасининг бош редактори Т. Ш. Дажи, Ўзбекистон Кинематографиячилари союзи правлениесининг секретари А. Э. Ҳамроев, республика Композиторлар союзи правлениесининг секретари М. М. Тожиев сўзга чиқдилар.

Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари қатори республиканинг ижодкор зиёлилари ҳам КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми, СССР Олий Совети VII сессияси қарорларини завқ-шавқ билан кутиб олдилар, ўзларининг бутун кучларини коммунистик қурилиш вазифаларини амалга оширишга сарфлашга интилаётганликларини билдирмоқдалар, дейишди нотиқлар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқида баён этилган қоида ва хулосалар ҳар бир ижодий ходим, маданият арбоблари кўп минг кишилик армияси фаолиятининг программаси бўлиб қолиши лозим.

Совет Ўзбекистони ҳамма соҳаларда, шу жумладан маданият соҳасида ҳам эришган муваффақиятлар халқларни ягона аҳил оилага жипслаштирган партия ленинча доно миллий сиёсати тантанасининг яна бир яққол далили эканлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Бу оилада барча халқларнинг ва аввало улуғ рус халқининг қардошларча мадади ҳамда ўзаро ёрдами туфайли республика совет ҳокимияти йилларида асрий қолоқликдан социал ва иқтисодий равнақ чўққиларигача бўлган чинакам мислсиз йўлни босиб ўтди. Ҳозир Ўзбекистон жонажон Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг тинимсиз ғамхўрлиги туфайли илғор фан ва маданиятнинг катта марказларидан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистон адабиёт ва санъат усталарининг ижодиётида республиканинг Совет ҳокимияти йилларида босиб ўтган тарихий йўли акс эттирилган. Бу асарларнинг кўплари ҳозирги юбилей йилида яратилган. Шоирлар ва прозаикларнинг янги коллектив тўпламлари — «Тенг ҳуқуқлилар орасида тенг республика», «Ўзбекистон мадҳияси», «Менинг номим — ишчи», «Дўстлик нурлари» совет кишилари қаҳрамонона фидокорона меҳнати, халқлар дўстлиги, тинчлик учун кураш мавзуларини тараннум этади.

«Ўзбекфильм» студиясида ниҳоясига етказилаётган «Йўғониш» кинолентасида тарих саҳифалари жонлантирилган. Бу картина Туркистон ўлкасида революцион ҳаракатнинг қандай бошлангичини тасвирлайди. «Мангулик» фильми дастлабки совет ўқитувчиларининг жасорати, илк мактаблар барпо этилганлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

Республика театрларининг байрам афишаларида Л. И. Брежневнинг китоблари асосида саҳналаштирилган «Хотира ҳақиқати», «Қўриқ», Ш. Р. Рашидов романи асосида «Қудратли тўлқин», М. Бобоевнинг «Ер томири» ва У. Умарбековнинг «Шошма, қуёш» спектакллари қўзингиз тушади. Бу асарларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашларининг ишларига бағишланган.

Республика рассомлари юбилейни ишчилар ва чўлқуварлар зафарларига, мўл пахта ҳосили миришкорларига ва олимларга бағишланган туркумли полотнолар, график варақалар билан кутиб олмоқдалар. Республика композиторлари бу йил янги-янги симфоник, вокал камер асарлари, халқ чолғу асбоблари билан ижро этиладиган асарлар яратишди.

Олтмиш йил мобайнида Ўзбекистонда саксонта янги шаҳар қад кўтарди. Уларнинг ҳаммаси республика меъморларининг лойиҳалари асосида қурилди, Москва ва Ленинград, мамлакатнинг бошқа шаҳарлари архитекторлари билан ҳамкорликда яратилди. Ўзбекистон журналистлари СССРнинг 60 йиллик юбилейига бағишлаб бирталай мароқли мақолалар, очерклар, репортажлар ёзишди.

Совет кишилари, дейишди нотиқлар, Улуғ Октябрь байроғи остида жипслашган юздан ортиқ миллат ва элат ҳиссаси билан ривожлантирилган кўп миллатли социалистик маданиятимиз учун ҳаққоний ифтихор туйғуларига тўлиб-тошмоқдалар. Совет адабиёти ва санъатининг ютуқлари жаҳон маданияти хазинасига қўшилди. Бу ютуқлар коммунистик қурилишнинг порлоқ йўлидан қўлни-қўлга бериб бораётган эркин халқлар қандай муваффақиятларга эришиши мумкинлигини яққол намойиш этмоқда.

Битта идеология — марксизм-ленинизмга амал қилувчи, битта Ватанга — улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига эга бўлган совет халқлари, қардош халқларнинг кун сайин мустаҳкамланиб бораётган бузилмас дўстлиги ижодкор зиёлиларнинг илҳом манбаи эканлигидан иборат фикр бирлашган пленумдаги ҳамма нутқларда янгради. Мамлакат экономикаси ва маданиятини ривожлантириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш учун ҳамма ишни қилаётган жонажон партиянинг ижодий зафарлари уларга илҳом бериб келди ва илҳом бермоқда. Халқ, Ватан, партия манфаатларига садоқат билан хизмат қилаётган ижодкор зиёлиларнинг ҳар бир муваффақияти совет кишиларини қувонтиради.

Ўзбекистоннинг ижодий ходимлари —ҳаёт билан, меҳнаткашларнинг ишлари ва орзу-умидлари билан чамбарчас алоқа қилганликлари туфайли ўз фаолиятларида муваффақиятга эришганликларини равшан англаб турибдилар, деб уқтирилди пленумда. Доимо воқеалар орасида бўлиш, совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнатини, уларнинг тинчликка, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга интилишини ифодаловчи теран фикрли ва чуқур мазмунли ёркин асарлар яратишга интилиш —ҳар бир маданият арбобининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Мана ҳозир ҳам, Ўзбекистон пахтакорлари олти миллионли маррага яқинлашиб келаётган ва социалистик мажбуриятларни рўёбга чиқариш учун курашаётган бир пайтда ижодий ходимлар уларнинг ёнида туриб-дилар, янги жамият қураётган инсон характери жуда тўла-тўкис намоён бўлаётган жойларда турибдилар. СССРнинг Озиқ-овқат программасини қунт билан амалга ошираётган деҳқонлар, чорвадорларнинг, республика барча меҳнатчиларининг ишлари ҳақида китоблар ва фильмлар, бадиий полотнолар ва қўшиқлар яратилмоқда. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб партиянинг ҳаётбахш ролини, социалистик воқеийлигимизни, мамлакат халқларининг интернационализми, дўстлиги ва қардошлигини, Совет турмуш тарзини бадиий жиҳатдан салмоқли равишда тараннум этувчи бир талай мароқли асарлар яратилди.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари диққатига

Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси шу йил 30 ноябрь куни соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Олтинчи сессияга келаётган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари 29 ноябрь эрталаб соат 10 дан соат 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида рўйхатга олинадилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ВА ОБЛАСТЛАРНИНГ ЮБИЛЕЙОЛДИ ЙЎҚЛАМАСИ

САЛМОҚЛИ ЙИЛЛАР, НУРЛИ МАНЗИЛЛАР

БУГУН СЎЗ – ХОРАЗМ ОБЛАСТИ ВАКИЛЛАРИГА

СОВЕТ республикаларининг ягона Иттифоқи —СССР ташкил этилиши арафасида 1922 йил 4 апрелда бўлиб ўтган халқ вакилларининг Бутун Хоразм қурултойида Хоразм Халқ Совет республикаси Ижроия Комитетининг улуғ дохийимиз В. И. Ленинга йўллаган мактуби ўқиб эшиттирилди. Унда Улуғ Октябрь инқилобининг оламшумул ғалабаларидан, воҳада барқ урган озодлик қуёшидан бахраманд бўлган хоразмликларнинг самимий меҳр-муҳаббати, қалб ташаккури мана шундай изҳор қилинган эди:

«Қадрли ўртоқ! Биз Совет Хоразмида тинч қурилиш ишларига киришганлигимизни Сизга хурсандчилик билан маълум қиламиз. Биз Сизнинг маслаҳатларингизга амал қилиб, эски чор ҳукумати атайин кучайтириб келган туркманлар билан ўзбеклар ўртасидаги низоқ тугатиш ва Хоразмнинг ҳамма халқларини ягона қардош оилага жипслаштириш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилмоқдамиз. Биз Сизнинг маслаҳатингизга кўра деҳқонларимизнинг ҳаётини яхшилашга киришдик. Сизнинг сўзларингиз ҳар биримизнинг қалбимиздан чуқур жой олади. Биз ўз саноатимизни ташкил қилишга киришдик, чоризмнинг эски мустамлакачилик сиёсати эса саноатни ривожлантиришга йўл қўймас эди. Бу соҳада ҳам Сизнинг янги иқтисодий сиёсатда белгиланган кўрсатмаларингизга амал қилмоқдамиз.

Хоразм революциясининг икки йиллигини нишонлаб, биз меҳнат қаҳрамонларига бериш учун Меҳнат ордени таъсис этдик. Сиз қадрли ва севимли устозимиздан Марказий Ижроия Комитет қарорига мувофиқ ана шу орденни олишни ва Шарқда кўп асрлик қуликдан озод бўлган меҳнат рамзи сифатида тақиб юришингизни сўраймиз».

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси ва устози мукофотланган Хоразм республикасининг Меҳнат ордени ҳозир Москвада В. И. Ленин Марказий музейида сақланмоқда.

Биз, Хоразм меҳнаткашлари ана шу тарихий воқеани қувонч ва ифтихор ҳиссўйғулари билан эслар эканмиз, буюк дохийнинг ҳатто инқилоб ғалабаларидан анча олдин хоразмликлар ҳақида қилган оталарча ғамхўрликлари ҳам бенихоя хотирамизга келади. Бу— Владимир Ильич Ленин РСДРП (б) нинг 1917 йил апрель конференциясида башорат қилиб айтган «Биз Хива деҳқонининг Хива хони зулми остида яшашини мутлақо истамаймиз. Биз революциямизни давом қилдириб, мазлум халқларга таъсир ўтказамиз», деган доҳиёна сўзлари эди. Асл ғамхўрлик туйғулари билан суғорилган бу башорат Улуғ Октябрь социалистик революциясининг таъсирида 1920 йилнинг 2 февраль куни рўёбга чиқди. Шу куни воҳада инқилоб қуёши порлаб халқ ҳокимияти ўрнатилди. Асрлар давомида оч-юпунликда, қашшоқликда, эрк-ҳуқуқдан бебаҳра бўлиб яшаб келган воҳа меҳнаткашлари янги, адолатли, барчани тенг ҳуқуқли қилган Совет ҳокимиятининг шарофатидан бахраманд бўла бошлади. Бунинг учун улар аввало Коммунистик партиядан, Совет ҳукуматидан, унинг асосчиси В. И. Лениндан бениҳоя миннатдордирлар.

В. И. Лениндан абадий миннатдор воҳамиз бугунги кунда СССР халқларининг қардошлик оиласида гуллаб-яшнаган нурафшон диёрдир. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганидан буён ўтган 60 йил ичида иқтисодий, ижтимоий-социал ўзгаришларнинг ёркин йўлларини босиб ўтган, бугунги кунда улвон байроғида Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени ярқираб турган ниҳоятдор хоразмликлар ҳам юбилей арафасида эришилган улкан ютуқлар, қўлга киритилган муваффақиятларни ғоят мамнунлик ҳис-туйғулари билан сарҳисоб қилмоқдалар.

Ўтган йиллар ичида юздан ортиқ миллат ва элатларнинг ўзаро қон-қардошлик оиласида, совет тузумини мустаҳкамлашнинг барча босқичларида —қишлоқларни тугатиш, коллективлаштириш, индустрлаштириш, бизнинг ғалабамиз билан тугаган Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги тинч қурилиш йилларидаги, умуман, барча беш йилликлар ичида эришган ютуқларимиз, чиндан ҳам беҳад улкан ва кўламдордир. Бу кўламдорлик дастлабки йилларнинг меҳнатдаги кўрсаткичларини ифодаловчи конкрет рақамлар билан таққослаганда янада улуғворлик касб этади.

Совет тузуми, ССР Иттифоқи туфайли хоразмликларнинг ҳам орзулари рўёбга чиқди, қолоқ ва мустамлака ўлка олдида иқтисодий ва социал тараққиётнинг нурафшон уфқлари очилди.



Урганч шаҳри йил сайин кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда кейинги йилларда кўплаб турар-жой бинолари маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, маъмурий бинолар қурилиб ишга туширилди.

Суратда: Урганч шаҳридаги 1-май кўчасининг умумий кўринишн тасвирланган.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Инқилобдан илгари Хоразмда оғир қўл меҳнатига асосланган майда кустар саноат, жумладан, учта кичик пахта тозалаш заводи, кулолчилик, уй-рўзғор буюмлари тайёрлайдиган майда-чуйда устахоналаргина мавжуд эди. Совет ҳокимияти ўрнатилгач, айниқса ССР ташкил этилганидан кейин бизнинг диёримизда ҳам саноат тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Ҳозир областда 70 дан ортиқ йирик саноат корхонаси ишлаб турибди. Замонавий унумдор техника воситалари билан жиҳозланган ўнга яқин пахта тозалаш заводи, қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қиладиган корхоналар, уй қуриш ва бинокорлик материаллари комбинатлари, тикувчилик ва гилам тўқиш фабрикалари, катта қувватдаги ғишт заводлари, қудратли техника базасига эга бўлган қатор қурилиш трестлари, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган корхоналар ҳар йил кўплаб турда юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Барча саноат корхоналарида фақат юбилей йилининг ўзида тайёрлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми 500 миллион сўмликдан ҳам кўпроқни ташкил этади.

Капитал қурилиш ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг ўзида область халқ хўжалигининг барча тармоқларида шундан олдинги беш йиликдагидан 2,3 баравар кўп, яъни 829 миллион сўмлик асосий фондлар ўзлаштирилди. 15 та саноат корхонаси, жумладан, Урганч ёғ-экстракция ва пиллакашлик фабрикаси, Хива гилам комбинати, Қўшкўпир ва Урганч пахта тозалаш заводлари ишга туширилди. Плондан ташқари 21 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Туямўйин гидроузелининг биринчи навбати қуриб битказилди, Амударё жиловланиб, лойиҳа бўйича ўз бағрига 7,8 миллиард кубометр сув сиғдираоладиган Туямўйин омборига оби-ҳаёт тўпланма бошлади. Бу объект амалдаги беш йилликда тўла ишга туширилади. Натижада воҳани узлуксиз сув билан таъминлаш, 500 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш ва 500 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконияти яратилади.

Областимизда ўн биринчи беш йилликда капитал қурилишга сарфланадиган маблағ ўнинчи беш йилликдаги даражадан бир неча ўн процент кўп бўлиши назарда тутилмоқда. Мана шу беш йилликда Туямўйин қурилиши тугалланади, Урганч бройлер фабрикаси, Шовотда ўрдакчилик комплекси, Хазорасп районида эса чўчқачилик комплекслари ишга туширилади. Янгидан қўпгина маданий-маиший, ишлаб чиқариш объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Қишлоқ хўжалиги область экономикасида муҳим роль ўйнайдиган йирик тармоқдир. Ўтган йиллар ичида бу борада ҳам беқиёс муваффақиятлар қўлга киритилди. Деҳқончилик маданияти бехад ошганлиги, ерларни ирригациялаш, мелиорациялаш ва химиялаштириш даражаси юксалганлиги натижасида пахта ва бошқа хил экинлардан муттасил ва барқарор юқори ҳосил олинадиган бўлиб қолди. Айниқса, пахтачиликда йил сайин рекорд даражада «оқ олтин» ҳосили етиштираётганлигимиз, ҳосилдорликда республикамиз бўйича байроқдорлик қилаётганимиз ғоят қувончлидир.

Бизда коллективлаштириш ўттизинчи йилларнинг ўрталарида асосан тўла-тўкис амалга оширилган эди. Бугунги кунда областимизда 89 колхоз, 38 та совхоз бўлиб, улар қудратли техника воситалари, малакали агрономлар, инженер-техник кадрлар билан етарли равишда таъминланган, экономикаси ва маданияти гоят мустаҳкамланган.

Мана бу рақамларга эътибор қилинг. 1924 йилда Хоразмда бор-йўғи 5,7 минг тонна пахта етиштирилган, ҳосилдорлик эса гектар ҳисобига атиги 5,8 центнерни ташкил этган эди. Бугун бундай миқдордаги пахтани ўртача битта колхоз етиштириб бермоқда. Амалдаги йилда эса Хонқа районидаги Ленин ордени Охунбобоев номли, Боғот районидаги Нариманов номли колхозларда деярлик 10 минг тоннадан пахта етиштирилди. Хосилдорлик эса гектар бошига 48-50 центнерга етказилди. Умуман областда пахтанинг йиллик салмоғи ўнинчи беш йиллик давомидаёқ биринчи марта 400 минг тонналик довондан ошди. 1980 йилда эса 442 минг тонналик марра эгалланди. Об-ҳаво ниҳоятда ноқулай келган, беҳад даражада сув танқислиги юз берган амалдаги йилда эса 450 минг тонналик, ҳосилдорликда эса область бўйича ўртача 43 центнерлик маррани эгаллаш учун қаҳрамонона кураш олиб борилмоқда. Бугунгача 80 га яқин хўжаликда гектаридан ўртача 40—50 центнердан хирмон кўтарилди. 300 га яқин бригадада эса ҳосилдорлик ўртача 60 центнерга етказилиб, юбилейга муносиб армуғон ҳозирланди. Воҳанинг донгдор пахтакорлари —Хазорасп районидаги Фрунзе номли колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати С. Худойқулиев, Шовот районидаги Чкалов номли колхозининг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор, қўш «Меҳнат Шуҳрати» ордени кавалери П. Матқаримов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаларида эса минг тоннадан пахта етиштирилди, гектаридан 65—70 центнердан ҳосил энгиб-териб олинди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари М. Матназаров, З. Қурбонов, М. Мавлонов, Ў. Нуруллаева, О. Дўсова, СССР Давлат мукофоти лауреати Х. Саидов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор О. Матқаримов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Қ. Пўлдошев, Ленин ордени кавалери Р. Бобожонов сингари ўнлаб донгдорларимиз ҳам юбилей йили социалистик мусобақасининг чинакам голибларидир.

Бугунгача эришилган барча зафарлар областимиз шаҳар ва қишлоқларининг меҳнатчилари ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни ошириб бажарib, СССРнинг тошли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун барча куч ва имкониятларини ишга солишаётгани, «СССРнинг 60 йиллиги шарафига 60 зарбдор ҳафта», «60 йилликка —60 центнердан» шиорларини тобора баланд кўтаришаётгани самарасидир. Умуман, ана шу ватанпарварлик ҳаракатларида 450 дан кўпроқ корхона, ташкилот ва ҳўжалик 4 мингдан зиёд цех, участка, ферма ва бригада иштирок этаётир. Бу ташаббуслар кенг кулоч ёйиб, пировард юксак кўрсаткичларга эришиш учун фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни тобора интенсивлаш, меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама ошириш борасидаги кундалик кураш ва интилишлар ҳамон жадал давом эттирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида эришилаётган муваффақиятлар ишлаб чиқаришга йил сайин кўп капитал маблағ сарфланаётганлигининг натижаси ҳамдир. Ўтган беш йилликда 22 минг гектардан кўпроқ янги ерлар ўзлаштирилди. Ана шу ерларнинг 13 минг гектардан кўпроғи асрий қум барханлари бағридан ўзлаштириб олинди. Барханлар унида деҳқончилик тажрибасида биринчи марта 6 та шоликорлик совхози ташкил этилди. Деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида ҳам, фермаларнинг маҳсулдорлигини кескин оширишда ҳам, маданият, маориф, медицина, транспорт ва алоқа соҳаларида ҳам қувончли ўзгаришлар юз берди.

Диёримизда меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини, яшаш шароитини яхшилаш, турмуш маданиятини юксалтириш, уларга ҳизмат кўрсатувчи тармоқларни янада равнақ топтиришнинг кенг ва реал программаси амалга оширилмоқда. 1981-1985 йилларда ҳамда келгусида бу борада янги, кўламдор ишлар рўёбга чиқарилади. Ҳар бир элдошимиз бундай улуғвор вазифаларнинг бажарилишига ўзининг муносиб шахсий ҳиссасини қўшишга интилмоқда, сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Кўплаб уй-жой, коммунал ва маданий-маиший объектлар, замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган шифохоналар, поликлиникалар, профилакторийлар, боғча-яслилар қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Савдо ва маиший хизмат даражаси яхшиланмоқда, физкультура ва спорт, туризм ривожланмоқда, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланмоқда.

Ўтган йиллар ичида шаҳар ва қишлоқларимизнинг жамоли таниб бўлмас даражада ўзгарди. Сўнгги қисқа давр ичидагина қадимий ва ҳамиша навқирон Хиванинг йўлдош шаҳри —Комсомолобод микрорайони қад кўтарди. Урганч шаҳрининг қатор микрорайонлари кенгайиб, ўзининг муҳташам биноларибилан область марказига кўрк бағишламоқда. Туямўйин гидроқурувчилари шаҳри — Дружба эса ССР халқлари қардошларча дўстлигининг чинакам намунаси ва амалий рамзи бўлди. Бу шаҳарни қирққа яқин миллат вакиллари қўлни қўлга бериб, қисқа вақт ичида бунёд этишди.

Ўтган йилнинг ўзида Шовот ва Хонқа районларининг марказлари шаҳарга айлантирилди. Қишлоқлардаги сон-саноқсиз «хуторлар деярли тугатилди, уларнинг ўрнида бош план асосида қурилган обод, барча қулайликларга эга бўлган замонавий посёлкалар қад кўтарди. Боғот районидаги Нариманов номли, Шовот районидаги «Партия XIX съезди», «Москва» колхозларининг бош посёлкалари йил сайин гўзаллашиб, коммунистик шаҳарчаларга айланмоқда. Областда 900 га яқин маданий-маиший хизмат объектлари ишлаб турибди.

Аҳоли турмуш маданиятини, умуман коммунистик маданиятни янада юксалтириш борасида ўн биринчи беш йилликнинг ўзида ҳам янги, улуғвор ишлар рўёбга чиқарилади. Белгиланган реал тадбирларга асосан 1985 йил охирига бориб меҳнаткашларнинг тағин 14 минг нафардан кўпроқ фарзанди давлат бюджети ҳисобидаги боқча-яслиларга жалб этилади, шифохоналар бир пайтнинг ўзида 10500 беморни даволаш имкониятига эга бўлади, 15 минг хонадон табиий газ билан таъминланади, фақат маҳаллий Советлар маблағи ҳисобига 454 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой фонди фойдаланишга топширилади. Аҳолига эса йилига 13,5 миллион сўмлик миқдорда маиший хизмат кўрсатилади. Қатор колхоз ва совхозларда маданий комплекслар бунёд қилиш йўлидаги яратувчилик ишлари қизғин давом эттирилади.

Бундан 60 йил муқаддам воҳа аҳолисининг атиги уч процентигина ёзма ва чизишни биларди. Эндиликда ҳамма ёшнасига саводхон. Бугунги кунда областда 400 та умумий таълим мактаблари бўлиб, уларда 15 минг нафарга яқин педагог хизмат қилмоқда. Шунингдек, маърифатдан нурафшон элимизда В. И. Ленин номидаги Хоразм давлат педагогика институти, 8 та махсус ўрта билим юрти, 43 та ҳунар-техника билим юрти, Тошкент техникумларининг иккита филиали иш олиб боряпти. Бу йил эса Урганч шаҳрида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг умумтехника факультети ҳамда Хива шаҳрида Тошкент халқ хўжалиги институтининг филиали очилганлиги область маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Областимизда ёш авлод тарбиясига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Биз бу ўринда мактабгача болалар муассасаларини ва уларда иш олиб бораётган юзлаб мураббийларимизни назарда тутмоқдамиз. Айни пайтда элимизда 336 та мактабгача тарбия ўчоқлари —боғча ва ясслилар мавжуд бўлиб, уларда 43 мингга яқин бола тарбияланмоқда. Юбилей йилининг ўзида қарийб икки минг ўринли боғча-ясли ишга туширилди, мактаблар эса ўттизга, уларгаги ўринлар сони 3760 тага кўпайди.

Воҳамизда биринчи шифохона ва аптека 1913 йилда хон саройида ишга туширилган эди. Шундан ҳам маълумки, у фақат хон саройигагина хизмат қиларди. Ҳозир областимизда 9300 ўринли 55 та стационар шифохона, 107 та аптека, 270 та фельдшерлик-акушерлик пункти, 13 та ихтисослашган «Оптика» магазини ял соғлиғини сақлаш ва муҳофаза қилишдек ҳайрли ишга жалб этилган

Шонли юбилей тобора яқинлашган сари улуғ тўйга тайёрланаётган меҳнат совғаларининг салмоғи ҳам ошиб бораётир. КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Пленуми, ўнинчи чақириқ ССР Олий Совети етинчи сессиясининг қарорлари областимиз меҳнат аҳлининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Айни пайтда юбилейни муносиб кутиб олиш учун умумхалқ мусобақаси сўнгги ҳал қилувчи паллага кирди. Область саноати юбилей йилининг ўтган ойлари ичида пландагидан ташқари 20 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарди ва реализация қилди. Пахтакорларимизнинг 450 минг тонналик юксак довонни эгаллаш йўлида кўрсатаётган жасоратлари дилларни қувонтиради.

Чорвадорларимиз, боғбон ва сабзавоткорларимиз, пиллакор ва полизчиларимиз ҳам юбилейни арзигулик армуғонлар билан кутиб олмоқдалар. 50 минг нафарга яқин киши ҳозирдаёқ юбилей йили планларини, 30 мингга яқин киши икки йиллик планни ошлаб илғорлар эса 3—4 йиллик иш ҳажмидаги шахсий планларини бажардилар.

Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг ҳозирги замон аграр сиёсатига асос солган 1965 йил март Пленумидан кейин ўтган давр мобайнида областимиз қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1,8 баравар кўпайди. Ана шу давр ичида меҳнат унумдорлиги 40 процентга ошди. Янгидан қўплаб совхозлар, жумладан 10 шоликорлик совхози ташкил этилди. Хўжаликлараро чорвачилик корхоналари пайдо бўлди, паррандачилик фабрикаси қуриб ишга туширилди, янгидан чорвачилик ва боғ-узумчилик совхозлари барпо қилинди.

Шоликорлик, балиқчилик, асаларичилик, богдорчилик сингари соҳалар ишлаб чиқаришни интенсивлаш, ихтисослаштириш ва концентрациялаш негизида деярлик қайтадан йўлга қўйилди. Колхоз ва совхозларимизда ўзлаштирилаётган асосий ишлаб чиқариш фондлари 78,4 миллион сўмдан 322,3 миллион сўмга етди ёхуд тўрт баравардан ҳам кўпроққа ўсди. Энергия қувватлари билан таъминлаш даражаси эса қариб икки бараварга кўпайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш даражаси кескин кўтарилди, минерал ўғитлар билан таъминлаш ҳам икки баравардан кўпроқ ортди. Қишлоқларимизда сув хўжалигини ва капитал қурилишлар, газлаштириш ва водопровод тармоқлари ётқизиш ишлари кенг миқёсларда олиб борилди. Фақат 1981 йилнинг ўзидагина қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 102 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу ҳам 1965 йилги даражадан икки ярим баравар зиёддир.

Хоразмликлар партия ва ҳукуматимизнинг катта моддий-техника ёрдамларига таянган ҳолда, халқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқаришни территориал ташкил этишни такомиллаштириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни янада яхшилаш соҳаларида истиқболли порлоқ ишларни изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Қишлоқ массивининг комплекс ўзлаштирилиши областимиз ишлаб чиқариш потенциалини ривожлантиришга бениҳоя катта ёрдам беради. Областимизга ана шу массивдан 150 минг гектар кўриқ ва қум барханларидан иборат ерларнинг биркитиб берилиши қишлоқ хўжалиги равнақи учун янгидан-янги истиқбол уфқларини очиш шубҳасиз.

Хуллас, хоразмликлар коммунистлар авангардлигида КПСС XXVI съезди ва партиямиз Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини астойдил амалга ошираборибб, коммунистик мўл-кўлчилик хазинасига бундан буён ҳам салмоқли улуш қўшаверадилар.

СССР халқларининг ўзаро дўстлик ва бузилмас қардошлик қуёши уларнинг зафарли одимларини ҳамиша офтобдай ёритиб тураверади.

ЖУМАНИЁЗ ЭШМУҲАМЕДОВ — 1920 йилдан КПСС аъзоси, революция ва меҳнат ветерани. АҲМАДЖОН ЮСУПОВ—Хонқа районидаги Ленин ордени Охунбобоев номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати. АБДУЛЛА ИСКАНДАРОВ — Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли колхоз раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати. ОБОДОН ДЎСОВА — Шовот районидаги Киров номли колхоз бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати. НИКОЛАЙ КИМ —Хонқа районидаги Ал Хоразмий номли совхоз директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. МИХАИЛ ДОВБИЯ —«Хорезмводстрой» трести Урганч қурилиш-монтаж бошқармаси экскаваторчилар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. КПСС XXVI съезди делегати. РАЖАБ ЖУМАНИЁЗОВ —В. И. Ленин номидаги Хоразм давлат педагогика институтининг ректори, тарих фанлари доктори, профессор. ЭРКИН САМАНДАРОВ —шоир, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН-КОММУНИЗМНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРИ САРИ!

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқини, СССР Олий Совети сессиясининг материалларини эҳтиром билан кутиб олдилар.

Партия ташкилотлари шу ҳужжатларни тушунтириш ва ўрганиш ишларини, меҳнаткашларни ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этишни кенг авж олдириб юбордилар. Ягона сиёсий кунлар, ижтимоий-сиёсий ўқишлар ташкилотчиларига, докладчиларга, лекторларга, пропагандистларга, сиёсий ахборотчиларга ва агитаторларга ёрдам тариқасида суҳбатларнинг намунавий тематикаси эълон қилинмоқда.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми — партия XXVI съезди қарорларини бажариш учун кураша муҳим босқич.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари, Ю. В. Андроповнинг нутқи — партия билан халқнинг жанговар, конкрет ҳаракат программаси.

КПСС — совет халқининг синалган йўлбошчиси.

Партиямизнинг коллектив донолиги.

Партия билан халқнинг бирлиги — совет жамиятининг енгилмас кучининг гарови.

КПСС ички ва ташқи сиёсатининг давомийлиги.

КПСС XXVI съездининг ленинча йўли — ўзгармасдир.

Коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик плани.

Халқ бахт-саодати ва тинчликни сақлаб қолиш — КПССнинг бош вазифалари.

Партия режалари — халқ режалари.

Давлат плани — қонун.

СССРнинг 1983 йилги бюджети.

Экономикани замонавий талаблар даражасига кўтарайлик.

Экономикани юксалтириш, халқ фаровонлигини яхшилаш—партия ғамхўрлик қилаётган бош масала.

Коммунистнинг ўрни — кураш ва меҳнатнинг олдинги маррасида.

Меҳнат—Ватанимиз улуғлиги ва қудратининг негизи.

Нақадар яхшироқ меҳнат қилсак, шу қадар яхшироқ яшайдиган бўламиз.

Совет кишиси тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия программасининг энг муҳим йўл йўриғидир.

1983 йилда уй-жой қурилиши.

Ижтимоий истеъмол фондларининг ўсиши.

Коллективимизнинг 1983 йилги вазифалари.

Имкони борича кўпроқ ва яхшироқ ишлаш — ҳар бир кишининг бурчи.

Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқроқ, самаралироқ фойдаланайлик.

Меҳнат унумдорлиги даражаси — самарадорликнинг бош кўрсаткичи.

Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини, самарадорлиги ва сифатини оширайлик.

Зарбдорларча ишлаш — бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиз.

Планларимизнинг реаллиги — халқ мулкини тежашда, уни эҳтиёт қилиб асрашдадир.

Иқтисод ва тежамкорлик йўлидаги умумхалқ ҳаракатига бизнинг ҳиссамиз.

Ҳом ашё ва ёқилғи ишлатармоқларини ривожлантиришга энг кўп эътибор берайлик.

Мамлакатнинг ёқилғи энергетика комплекси.

Янги газ қувурларини муддатидан илгари ишга туширамиз.

Ҳар грамм ёқилғи —қатъий ҳисобда бўлсин.

Иш вақтининг ҳар бир соатидан ғоят самарали фойдаланайлик.

Бир дақиқа ҳам бекор ўтмасин, бир грамм ҳам нобуд бўлмасин.

Бошбошдоқлик, хўжасизлик ва исрофгарчиликни тугатайлик.

Меҳнат интизомининг даражаси — коллективнинг қиёфаси ва маънавий етуклиги кўрсаткичи.

Ижодий меҳнат қилувчи, юксак сиёсий ва маънавий маданиятли кишини тарбиялаб вояга етказайлик.

Интизомни бузувчиларга, ичкиликбозларга, бракчиларга муросасиз бўлайлик.

Халқ хўжалигининг резервларидан яхшироқ фойдаланайлик.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштирайлик.

Фан ва техника ютуқлари —ишлаб чиқаришга жорий этилсин.

Нега коллективимизда илғор тажриба суст жорий этилмоқда?

Янги, илғор усулларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайлик.

Беш йиллик илғорларига теңглашингиз.

Қўл меҳнатини механизациялаш —энг муҳим вазифа.

Аграр-саноат комплекси 1983 йилда.

Озиқ-овқат программасини амалга оширишга бизнинг ҳиссамиз.

Озиқ-овқат программаси— ҳамманинг ва ҳар бир кишининг иши.

Озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга бутун кучни сарфлайлик.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлайлик ва ундан самарали фойдаланайлик.

Қишлоқ хўжалигига ажратилган маблағларнинг юксак самарадорлигига эришайлик.

Қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли тугаллайлик.

Йиғиштириб олинган ҳосилни тўла-тўкис сақлаб қолайлик.

Нон — бебаҳо бойлигимиз. Уни эъзозлайлик.

Келгуси йил ҳосилига эътибор ва ғамхўрлик қилайлик.

Чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказайлик.

Ем-хашакдан оқилона фойдаланайлик.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирайлик ва сифатини оширайлик.

Транспорт ишидаги камчиликларни қатъиян тугатайлик.

Ватанга кўпроқ ва сифатлироқ металл берайлик.

Капитал қурилишга энг кўп эътибор берайлик.

Қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва сифатини оширайлик.

Коллективимизнинг 1983 йилги плани ва социалистик мажбуриятлари.

Биз жаҳон революцион жараёнига ўз хўжалик сиёсатимиз билан асосий таъсир ўтказамиз.

Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги — ҳозирги замоннинг мўътабар кучи.

Бизнинг кучимиз — социалистик ҳамдўстликнинг бирлигидадир.

Социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг планлари— тинчлик ва бунёдкорлик планларидир.

Озодликка эришган мамлакатлар билан СССРнинг бирдамлиги ва ҳамкорлиги.

Совет Иттифоқи ва ер юзидаги тинчликсевар кучлар.

КПССнинг мустаҳкам тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун кураши.

Партия билан совет халқининг тинчликка бўлган иродаси ўзгармасдир.

Ҳарбий соҳада рақобат қилиш—бизнинг йўлимиз эмас.

Қурол-яроғсиз дунё —социализм идеали.

Тинчликни мустаҳкамлаш эртанги кунга элтувчи йўлчи юлдуз.

Империалистлардан тинчликни илтимос қилиб олиб бўлмайди. Тинчлик учун курашамиз.

СССРнинг ядро уруши хавфига қарши, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун кураши.

СССР Қуролли Кучлари Улуғ Октябрь ғалабаларининг ишончли посбони.

Социалистик Ватанни қўриқлаш қилиш —СССР ҳар бир гражданининг муқаддас бурчи.

Ватан қудратини, ер юзида тинчликни фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлаймиз.

Социалистик демократиянинг янада ривожлантирилиши.

КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси.

СССРнинг 60 йиллиги — совет халқлари дўстлиги ва қардошлиги байрами.

Эркин республикаларнинг мустаҳкам иттифоқи.

Биз ленинча дўстлик билан қуролланамиз.

Юбилей йилини зарбдорларча якунлайлик.

СССРнинг 60 йиллигини меҳнатда, ўқишда, ижодда янги муваффақиятлар билан кутиб олайлик.

1983 йилни зарбдор меҳнат билан нишонлаймиз.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларини бажарамиз!

Ленин йўлидан — коммунизмнинг янги ғалабалари сари!

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛАН БАЖАРИЛДИ, НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли адо этдилар. 26 ноябргача улкан хирмоига 5.908.607 тонна, шу жумладан 458 минг тонна қимматбаҳо нингчка толали пахта топширилди. Мавсум бошидан буён 3.227.000 тоннадан зиёд дурдона машиналар ёрдамида териб олинди. Кунлик ўсиш 24.382 тоннани ташкил этди.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ. ЯНА БИР ҒАЙРАТ ҚИЛСАК, 6 МИЛЛИОН ТОННАЛИК УЛКАН МАРРАНИ ҲАМ ЗАБТ ЭТАМИЗ!

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Сурхондарё области меҳнаткашлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар республика хирмонига 517.300 тонна «оқ олтин» топширдилар. Шундай қилиб, йиллик план бажарилди. Заршунослар тайёрлов пунктларига 275 минг тонна ипак пахта топширдилар. Ҳосилдорлик ўрта толали пахтанинг ҳар гектарига 34,3 центнерга, ипак пахтаники эса 36,5 центнерга тўғри келди.

Ленин йўли районидаги **Буденний номли, Ленин номли, Қосим Раҳимов номли**, Шеробод районидаги М. Муродов номли, **«Октябрь 60 йиллиги»**, Кумкўрғон районидаги **«ВЛКСМ 30 йиллиги»**, **«Партия XXIV съезди»**, **«Москва»**, Гагарин районидаги **«Погранчник»** совхозларининг деҳқонлари салмоқли хирмон яратиб, яхши натижаларга эришдилар. Область деҳқонлари социалистик мажбурият ҳисобига хом ашё топширмоқдалар.

Жиззах

Мирзачўл районн пахтакорлари йиллик планни бажардилар. **Она-Ватан** мирзачўлликлардан 58.604 тонна кўриқ дурдонаси қабул қилиб олди. Яхши ҳосилнинг 45.500 тоннаси машиналар бункеридан бўшатилди. Район пахта хирмонига «Советская Россия» совхози 10.839 тонна, «Ўзбекистон» совхози 9.692 тонна, С. Сегизбаев номли совхоз 9.877 тонна, Абай номли совхоз 8.520 тонна улуш қўшди.

Самарқанд

Фйдокорона меҳнат Жомбой район деҳқонларига ғалаба келтирди. Улар давлатга 57.118 тонна пахта топшириб, йиллик планни адо этдилар. Яхши ҳосилнинг 85 процентн биринчи сортга топширилди. Машиналар бункеридан 34.578 тонна «оқ олтин» бўшатилди.

Эришилган муваффақиятга А. Қурбонов номли, «Украина», «Жомбой», «Белоруссия» совхозлари, «Москва» ва «Октябрь» колхозлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район пахтакорларига **Самарқанд медицина институти студент ва ўқитувчилари, Ургут** районининг **меҳнат коллективлари** яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Жомбойликлар яхши ҳосилни 60 минг тоннага етказиш учун ғайрат қилмоқдалар.

Фарғона

Риштон райони **меҳнаткашлари давлатга пахта топшириш йиллик планини адо этдилар. Тайёрлов пунктларига 41,5 минг тонна хом ашё топширилди.** Ҳосилнинг 80 процентн биринчи сортга қабул қилинди. Эришилган муваффақиятга Навоий номли, «Риштон», «ЎзССР 50 йиллиги» совхозлари, «Коммунизм», Қуйбишев номли колхозлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ортиқбой Бойжигитов, Тўхтасин Назаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Турдиали Раҳмонов, Ҳанифа Ёқубова, Абдухолиқ Абдукаримов бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олинди.

Наманган

Тўрақўрғон райони меҳнаткашлари социалистик мажбуриятни адо этдилар. Она-Ватан тўрақўрғонлик заршунослардан 38.300 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Ҳосилдорлик гектарига 36,7 центнерни, «Ўзбекистон», «Шарқ юлдузи», Димитров номли колхозларда эса 40 центнерни ташкил этди.

Учи районидаги **«ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози пахтакорлари социалистик мажбуриятни уддаладилар.** Улар давлатга 1.457 тонна дурдона топширдилар.

Қашқадарё

Қўриқ Нишон райони деҳқонлари давлатга янгичка толали пахта топширишн йиллик планини бажардилар. Заршунослар ҳар гектар ердан 23 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 14 минг тонна ипак пахта топширдилар. Эришилган муваффақиятга К. Маркс номли, «Гулбог», «Оқ олтин», Усмон Юсупов номли, «Ленинобод» совхозлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ульянов районидаги **«Партия XX съезди» совхозида социалистик мажбурият адо этилди. Хўжалик аъзоларн 9.250 тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этдилар.**

Баҳористон районидаги **«Партия XXV съезди»** совхози ва Чиноқчи районидаги **«Партия XXIV съезди»** колхозида ҳам йиллик план бажарилди.

Сирдарё

Оқолтин районидаги **Ворошилов номли совхоз деҳқонлари** йиллик маррага етиб келдилар. Улар давлатга 14 минг тонна хом ашё топширдилар. Шунингдек, Ильич районидаги Титов номли совхоз пахтакорлари 11.810 тонна хом ашё тайёрлаб, йиллик планни бажардилар.

Андижон

25 ноябрь куни область далаларида 215 мингдан зиёд теримчи ишлади. 4 район, 50 колхоз ва совхоз, 1049 бригада социалистик мажбурият ҳисобига хом ашё топширмоқда.

Москва районидаги **«Коммунизм»** колхози йиллик планни бажарди. Бу ерда ҳосилдорлик гектарига 36,2 центнерни ташкил этди.

Бухоро

Шофиркон районидаги **«Ленинобод»** колхози пахта тайёрлаш йиллик планини адо этди. Хўжалик деҳқонлари ҳар гектар ердан 40,5 центнердан ҳосилни кўтариб 6.100 тонналик хирмон яратдилар.

Вобкент районидаги Ленин номли ва «Пахтакор» колхозлари деҳқонларига Бухоро индустриал-педагогика техникумининг ўқитувчилари ва ўқувчилари яқиндан ёрдамлашмоқдалар.

Хоразм

Гурлан районидаги **«Правда»**, Янгибозор районидаги **«Ленинизм» колхозлари йиллик планларини бажардилар.** Бу хўжаликлар давлатга тегишли равишда 5.448 ва 5.030 тонна пахта топширдилар.

Шовот районидаги **«Ленинизм» колхози** ҳам йиллик маррага етиб келди. Бу ерда 4.520 тонналик хирмон яратилди.

Навоий

Кеча Навоий районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози механизаторлари **Зулфия Бозорованинг оилавий звеносини социалистик мажбурият бажарилганлиги билан табрикладилар.** Зулфия қизлари Шаҳзода, Шоҳсанам ва Ойгўзалар билан бирга 30 тонна пахта терди.

ҚҚАССР

Бу йилги мавсумда қўриқ Элликқалъа районида юзлаб мўл ҳосил усталари элга танилди. **Ҳар гектар ердан 65 центнердан ҳосил кўтарган «Қирққизобод» колхозининг Ленин орденли бригадири Собир Қурбонов, 60 центнердан ҳосил кўтарган Ленин номли «колхозидан Коса Эгамбердиев ва Калинин номли колхозидан Юсуф Тошлиевлар ана шулар жумласидандир.** «Москва» совхозидан СССР Олий Совети депутати Жамила Бекжонова ва Отахон Болтаев бошлиқ бригадаларда 50 центнерлик маррадан ошиб кетилди.

МАВСУМ БАЙРОҚДОРЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумя ҳамда СССР Олий Советининг куни кеча ўз ишини тамомлаган сессияси қабул қилган қарорлардан илҳомланган Ўзбекистонимиз заршунослари қолган ҳосилни териб олишда далаларда жасорат намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Натижада социалистик мажбурият маррасн забт этилишига оз вақт қолянти. Об-ҳаво ноқулайликларига қарамай, фидокорона меҳнат қилаётган Большевик районидаги Карл Маркс номли колхоз мирзакорлари республикамизнинг 6 миллион тонналик жавоҳир хирмонига муносиб улуш қўшиш учун жон куйдиряптилар. Ҳозирга қадар хўжалик дала гвардиячилари қабул пунктларига жўнатишган жавоҳир 8600 тоннадан ошиб кетди. Гектар бошига ўртача ҳосилдорлик 37 центнерни ташкил этади. Колхознинг уста пахтакорлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Б. Кўмаков, М. Қўчқоров ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик айниқса юқори бўлди. Етиштирилган мўл ҳосилнинг тез ва соз саранжом-саришталаб олишда техника жиловкорларининг хизмати тахсинга сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: хўжаликнинг пешқадам механизаторларидан Дўстмурод Одинаев (чапдан) ва Эшинёз Саҳадиновлар. Уларнинг ҳар бири 260 тоннадан ошириб дурдона териб мавсум байроқдорлари бўлдилар.

Р. Ғафуров фотоси. (ЎзТАГ).



УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 26 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
БЎКА	118,63	113,80
ОҚҚЎРҒОН	112,32	106,67
ПИСКЕНТ	109,54	109,59
БЕКОБОД	107,49	90,93
ҒАЛАБА	106,57	105,84
КОММУНИСТИК	106,29	93,31
ЎРТА ЧИРЧИҚ	106,11	100,72
ЯНГИЙЎЛ	105,38	102,27
ЧИНОЗ	103,67	100,11
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
ХЎЖАЙЛИ	120,30	98,54
БЕРУНИЙ	115,08	103,67
ЛЕНИНОБОД	114,04	110,65
ЭЛЛИККАЛЪА	111,59	103,99
ЧИМБОЙ	111,42	103,86
ТЎРТКЎЛ	111,37	90,00
НУКУС	109,12	110,96
ҚОРАЎЗАК	106,08	100,45
ШУМАНАЙ	105,85	84,25
КЕГАЙЛИ	105,21	54,31
ҚЎНҒИРОТ	102,64	78,38
АМУДАРЁ	100,98	82,43
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
ГУРЛАН	117,88	103,02
ХОНҚА	115,52	116,38
ХИВА	111,77	108,11
ШОВОТ	111,10	106,02
ЯНГИБОЗОР	108,99	100,64
БОҒОТ	108,48	107,04
ҚЎШКЎПИР	107,94	100,74
ХАЗОРАСП	104,14	82,46
УРГАНЧ	103,52	70,94
ЯНГИАРИҚ	101,28	107,69
БУХОРО ОБЛАСТИ		
ҒИЖДУВОН	125,84	100,61
ОЛОТ	115,61	35,18
ҚОРАКЎЛ	111,08	83,43
РОМИТАН	104,76	49,39
БУХОРО	104,08	24,91
КОГОН	102,60	11,53
СВЕРДЛОВ	101,02	35,52
ВОБКЕНТ	100,88	47,41
Пешку	98,46	15,23
Шофиркон	92,58	53,45
НАВОИЙ ОБЛАСТИ		
ҚИЗИЛТЕПА	107,00	89,08
ХАТИРЧИ	104,91	87,54
НАВОИЙ	104,66	81,74
Навбаҳор	98,83	69,37
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
ҚЎВАСОЙ	113,50	100,40
ШАҲРИ	111,16	85,57
БУВАЙДА	107,20	88,14
ФАРҒОНА	105,77	106,06
ҚУВА	105,40	76,58
ОЛТИАРИҚ	105,40	76,58
ТОШЛОҚ	102,89	89,90
ЛЕНИНГРАД	102,37	58,64
ОХУНБОБОЕВ	100,53	83,68
Риштон	99,64	86,48
Ўзбекистон	98,75	85,50
Киров	98,59	79,90
Фрунзе	93,90	64,78
Бағдод	91,16	88,78
Ёзёвон	83,09	94,35
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
ЛЕНИН ЙЎЛИ	124,89	132,72
ТЕРМИЗ	113,08	51,48
ҚУМҚЎРҒОН	112,96	66,27
АНГОР	112,95	106,50
ГАГАРИН	112,01	114,12
ШЕРОБОД	111,06	74,14
ЖАРҚЎРҒОН	107,20	83,43
БОЙСУН	100,77	78,83
Шўрчи	82,87	13,81
Денов	77,80	20,78
Сариосиё	76,05	15,49
Олтинсой	73,64	7,56
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
КАТТАҚЎРҒОН	114,72	105,40
ОҚДАРЁ	102,49	112,26
ПАХТАЧИ	100,87	107,71
НАРПАЙ	100,30	93,68
Пастдарғом	99,59	92,69
Жомбой	99,48	92,34
Пайариқ	97,13	92,09
Большевик	84,18	88,32
Иштихон	84,01	78,63
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
ҚАРШИ	110,17	111,65
ҚАМАШИ	108,63	114,05
НИШОН	106,39	101,37
КИТОБ	106,06	100,80
УЛЬЯНОВ	104,14	108,18
БАҲОРИСТОН	100,34	100,19
Косон	99,97	102,09
Шаҳрисабз	99,66	76,35
Ғузор	99,51	99,60
Муборак	99,11	110,98
Чироқчи	98,66	94,31
Яккабоғ	92,21	92,90
Кўкпада	86,85	70,67
Усмон Юсупов	83,57	79,08
Таллимаржон	38,70	16,09
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
МОСКВА	105,21	102,23
МАРҲАМАТ	104,85	100,66
ЛЕНИН	104,35	50,12
БЎЗ	103,06	99,28
АНДИЖОН	101,37	88,19
Балиқчи	94,88	63,45
Избоскан	93,22	59,97
Пахтаобод	93,15	66,69
Олтинкўл	93,02	60,55
Қўрғонтепа	88,24	70,00
Хўжаобод	88,00	77,15
Жалолқудуқ	85,16	90,49
Комсомолобод	73,89	56,76
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
ОКТЯБРЬ	106,20	106,50
АРНАСОЙ	104,66	105,47
МИРЗАЧЎЛ	100,18	100,38
Дўстлик	97,73	78,14
Жиззах	91,21	50,42
Пахтакор	87,42	60,75
Зарбдор	74,55	33,33
Фориш	69,72	29,63
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
ОҚОЛТИН	108,11	104,44
ВОРОШИЛОВ	104,59	105,52
ИЛЬИЧ	100,70	80,65
БОЁВУТ	100,31	100,04
Гулистон	89,55	88,43
Комсомол	86,19	81,10
Ховос	82,74	60,39
Сирдарё	79,15	80,20
Мехнатобод	59,12	36,61
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
ЧОРТОҚ	103,78	75,08
НАМАНГАН	103,73	92,99
ТЎРАҚЎРҒОН	102,84	114,34
Учқўрғон	99,09	99,03
Уйчи	96,24	19,23
Поп	94,66	68,74
Янгиқўрғон	92,72	24,42
Косонсой	89,41	38,30
Норин	88,39	67,83
Задарё	80,62	72,28
Чуст	79,06	3,37

СПОРТ

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

Шайбали хоккей бўйича биринчи лига коллективларя ўртасидаги мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур учрашувларида пешқадамлар қўш ғалабаларни қўлга киритиб, ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олишди.

Фикримизнинг далили учун «Енбек» (Олмаота) — «Сибирь» командалари ўртасида бўлиб ўтган икки белашувга тўхталиб ўтайлик. Биринчи ўйинда бораётган новосибирсклик хоккейчилар ўзгалар майдонида ўйнаганларига қарамай, биринчи кундаги учрашувни ҳам, бундан кейин бўлган такрорий матчни ҳам пешқадамларга хос ҳужумкорлик руҳида ўтказишди ва ҳақли равишда тўрт очкони қўлга киритишди. Бу бахсларда дастлаб 6:3 ҳисобида, кейин эса 6:1 ҳисобида «Сибирь» клубининг қўли баланд келди. Шундай қилиб, пешқадамлар ҳисобидаги жами очколар 44 га етиб, улар иккинчи ўринда бораётган «Кристалл» (Саратов) коллективидан 4 очко илгарилаб кетишди.

«Кристалл» командаси эса сафарда Череповецнинг «Металлург» клуби билан белашиб, тўрт очкони ўзаро бўлишиб олди. Биринчи учрашувда 10:6 ҳисобида майдон эгаларининг қўли баланд келган бўлса, такрорий беллашувда омад «Кристалл» клубига кулиб боқди —6:1.

Бу сафар бинокорчилар ўз майдонларида ўйнадилар. Тюмень шаҳрининг «Рубин» командаси уларнинг меҳмони бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, меҳмонлар ўйинлар жадвалининг охирги погонасида боришяпти. Шунга қарамай, майдон эгалари билан тенг шайба суришди. Иккала учрашув ҳам 2:2 ҳисобида дуранг бўлганлиги буни яққол кўрсатиб турибди.

Қолган учрашувлар натижасини эслатиб ўтамиз: «Динамо» (Минск) — «Торпедо» (Тольятти) —6:3, 7:2; «Буран» —«Дизелист» —6:8, 4:2; «Динамо» (Харьков) — Урицкий номли спорт клуби —6:1, 4:7; «Торпедо» (Усть-Каменогорск) — «Автомобилист» — 2:12, 4:0; СКА —«Молот» — 5:2, 4:2.

Бу турдан кейин командалар қуйидаги ўринларни банд этиб турибдн:

	У	О
«Сибирь» (Новосибирск)	24	44
«Кристалл» (Саратов)	24	40
Урицкий номли спорт клуби (Кезон)	24	34
«Динамо» (Минск)	24	33
«Торпедо» (Усть-Каменогорск)	24	32
«Автомобилист» (Свердловск)	24	28
«Торпедо» (Тольятти)	24	27
«Металлург» (Череповец)	24	27
«Динамо» (Харьков)	24	23
«Бинокор»	24	23
«Енбек» (Олмаота)	24	17
«Молот» (Пермь)	24	16
«Дизелист» (Пенза)	24	12
СКА (Новосибирск)	24	12
«Буран» (Воронеж)	24	10
«Рубин» (Тюмень)	24	6

ПЕШҚАДАМЛИККА ИНТИЛИБ

Шашка бўйича мамлакат чемпионати яримлаб қолди. Бу ҳар бир учрашувнинг кескин кураш остида ўтишига сабаб бўлмоқда.

Тўққизинчи тур учрашувлари ҳам шундай бўлди. Республикамиз вакили, СССРнинг ўтган йилги чемпиони, самарқандлик гроссмейстер М. Фозилов бу турда Шмербаков билан учрашди. У дастлабки учрашувда ўз ҳисобига бир очко ёзган бўлса, рақиби билан бўлган такрорий баҳсда дуранг натижа билан кифояланишга мажбур бўлди. Республикамизнинг яна бир вакили, андижонлик А. Тоштемиров Габриелян билан баҳсда ютказиб қўйди.

Тўққиз турдан кейин Войцечучук билан Кандауров 6 таден очко тўплаб, дастлабки икки ўринни банд этиб турибдн. Фозилов ҳисобида 5,5 очко бор.

Редактор И. СУЛАЙМОНОВ.

МЕҲНАТ, ТАЛАНТ ВА ИЛҲОМ — СССР ЮБИЛЕЙИГА

(Бошн биринчи бетда)

Шу билан бирга, деб таъкидланди пленумда, ҳар бир асарнинг ғоявий ва бадиий савиясини янада сабот билан ошириш, социалистик реализм принципларини ривожлантириш ва бойитиш зарур. КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш практикаси билан ижодий алоқалари тўғрисидаги қарори мана шу вазифани ўртага қўйган.

Маънавий, бадиий маданият соҳаси жуда ўткир, мафкуравий кураш майдонидир. Халқаро вазият кескинлашган ҳозирги шароитда, империалистлар тинимсиз қуролсизланиш пойгасини давом эттириб, халқларни ялпи ядровий фалокатга тайёрлаб юборишга уринаётган бир пайтда тинчлик учун ўзининг улуғвор масъулиятини намоён этиш, юксак гражданлик позициясини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш адабиёт, санъат арбобларининг, журналистларнинг фахрли бурчи эканлигини нотиқлар ўқтириб ўтишди. Ғоясизликнинг, дуёқараш бобида дудмалликнинг ҳар қандай кўринишларига кескин зарба бериш зарур. Пленум қатнашчилари пролетар интернационализм байроғини янада баланд кўтаришга, ўзларининг бутун ғоявий эътиқод ва истеъдод кучи билан чиркин буржуа идеологиясига, бўҳтонлан иборат ғарб пропагандасига қарши курашишга, тараққийпарвар жамоатчиликни, барча ҳолис ниятли кишиларни жипслаштиришга актив кўмаклашишга муттасил интилаверишларини билдирдилар.

Ўзбекистоннинг ижодий ходимлари партиянинг ленинча йўл-йўриқларига ҳамиша содиқдирлар, социалистик реализм санъати учун коммунистик ахлоқ нормаларини, одамларнинг бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ишимизнинг тарихий ҳақлилигига ишонч каби маънавий фазилатларимизнинг гўзаллиги ва улуғлигини қарор топдиришдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқлигини англаб турибдилар.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги аёмни совет адабиёти, санъатини ривожлантиришдаги янги салмоқли муваффақиятлари билан, миллий маданиятлар ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиш жараёни кучайиши билан нишонланганлигида рамзий бир маъно бор, деб таъкидладилр нотиқлар. «Мазмун жиҳатдан социалистик, ўзининг миллий шаклари жиҳатидан хилма-хил, руҳи ва характери жиҳатидан интернационалистик совет маданияти Совет Иттифоқи миллатлари ва элатларини ғоявий-маънавий жипслаштиришнинг буюк кучи бўлиб қолди», дейилади КПСС Марказий Комитетининг «ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорида. Пленумда айтиб ўтилган фактлар қардош республикалар маданият арбобларининг ҳамкорлиги самарадорлигидан далолат беради. Уларнинг биргаликдаги кўпгина ишлари —фильмлар, архитектура лойиҳалари, бадиий полотнолар туркумлари ва публицистик асарлари кенг кўпчиликка манзур бўлди, мамлакат кўп қиррали маданий ҳаётида унутилмас воқеалар бўлиб қолди.

Партиявийлик ва халқчиллик принципларига таянувчи совет бадиий маданияти катта-катта ва шак-шубҳасиз муваффақиятларга эришди. Бу принциплар Ўзбекистоннинг барча ижодкор ходимлари, шу жумладан адабиётимиз ва санъатимизнинг умиди бўлмиш ёшлар учун ҳам метин принциплар эканлиги пленумда айтиб ўтилди. Ўзбекистон маданият арбоблари ҳам ўз ўринбосарларини тарбиялаб вояга етказишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Бирлашган пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига табрикнома қабул этиб, Совет Ўзбекистонининг адабиёт ва санъат арбоблари ҳамиша марксизм-ленинизм ғояларини жонбозлик билан тарғиб қилаверадилар, Коммунистик партия ва совет халқининг иши учун коммунизм порлоқ идеалларининг тантанаси учун тинимсиз курашаверадилар, давримизга муносиб, совет кишиларининг юксак маънавий талаб ва эҳтиёжларига мос асарлар яратишга, ҳар томонлама барқамол инсонни— коммунистик жамият бинокорини тарбиялаб вояга етказишга бундан буён ҳам ўзларининг бутун кучлари, ғайратлари ва истеъдодларини сарфлайверадилар, деб ваъда бердилар.

Бирлашган пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ҲАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ИТАЛИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЗАБАСТОВКАСИ

РИМ, (ТАСС). Италиядаги саноат корхоналарининг меҳнат конфедерацияси, Италия меҳнат иттифоқи касаба союзлари ягона федерациясининг даъватига биноан бугун тўрт соатлик умуммиллий забастовка ўтказдилар.

Забастовкада иштирок этган 8 миллионга яқин киши йирик капитал ҳукмронлигига қарши норозилик билдирди, ҳукуматнинг ишчилар манфаатларига зид бўлган иқтисодий сиёсати бекор қилинишини талаб этди. Забастовка муносабати билан кўплаб шаҳарларда оммавий намойиш ва митинглар ўтказилди. Буларда касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари ва демократик партияларнинг вакиллари сўзга чиқишди. Улар мамлакат экономикасининг ҳозирги аҳволидан, меҳнаткаш омма турмуш даражасининг янада ёмонлашаётганлигидан жиддий ташвиш изҳор этдилар. Марказий статистика институтининг маълумотларига кўра, шу йилнинг сентябрь ойида саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,8 процент қисқарган. Пулнинг қадрсизланиши янада кучайиб, ҳозирги вақтда 17,2 процент бўлди. Ишсизлик тўхтовсиз ошиб, ишсизлар 2,3 миллион кишига етди.

ҚАРШИЛИК КЎРСАТМОҚДАЛАР

ДАМАШҚ, (ТАСС). Исроил босиб олган Араб территорияларида ва Ливанда агрессорларга қарши кураш тобора кучаймоқда. Ноябрь ойининг ўзидагина Фаластин ватанпарварлари босқинчиларга қарши 20 марта муваффақиятли ҳарбий операция ўтказдилар. Ана шу жанговар рейдлар давомида, деб хабар қилади Фаластин ВАФА агентлиги, исроилликларнинг кўплаб ҳарбий объектлари, турли жанговар техникаси яксон қилиб ташланди, сионистлар кўплаб аскарларидан маҳрум бўлди.

Босиб олинган Араб ерларида сионистлар ўтказаётган террор ва репрессиялар сиёсати, деб таъкидлайди агентлик, кўплаб араб аҳолисиян душманга қарши курашга отлантирмоқда.



БОСҚИНЧИЛАРНИ КИМ РАҒБАТЛАНТИРМОҚДА?

Қўшма Штатлар Сальвадорнинг ички ишларига кўпол равишда қуролли аралашиб, бу мамлакат халқининг революцион ҳаракатини бўғиб ташлашга уринмоқда.

Сальвадор ҳарбий режимининг ҳаво кучлари Пентагон ёрдамида зудлик билан АҚШнинг энг замонавий типдаги транспорт самолётларн билан қуроллантирилмоқда. Панама каналидаги Америка ҳарбий базаларидан Сальвадорга шошилинч равишда напалм бомбалари, бактериологик қуроллар етказиб берилмоқда. Шунингдек, Америка ҳарбий маслаҳатчилари жазо отрядларининг ватанпарвар кучларга қарши юришларида қатнашмоқдалар. Ана шу қонли урушда кейинги йилларда мамлакатда 35 мингга яқин киши ҳалок бўлди.

СУРАТДА: босқинчилар Америка ҳарбий қуролларидан ўт очишни ўрганмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИГА

УЛАН-БАТОР, (ТАСС). 10 минг яқин монгол йигит ва қизлари Совет Иттифоқининг олий мактабларида, техникумлари ва ҳунар-техника билим юртларида ўқимоқда. Шаҳар меҳнаткашлари вакиллари билан илмий жамоатчиликнинг Совет Иттифоқида Монгол граждан-лари ўқий башлаганлигининг 60 йиллигига бағишлаб бу ерда ўказилган тантаналн йиғилишида шу гап айтилди.

Сўзга чиққанлар халқ Монголияси учун миллий кадрлар таййёрлаш ишига ёрдам бергакликлари учун Советлар мамлакатига чуқур миннатдорчилик билдирдилар. МХРП Марказий Комитети, МХР Бузюк Халқ Хурали Президиумн Совет олий мактабларининг қўшган ҳиссаларига юксак баҳо бериб, Москва ва Иркутск давлат университетларини, кўпгина совет олимларн ва муаллимларини ҳукуматнинг юксак мукофотларига сазовор қилганлнги айтилди.

КИНЕМАТОГРАФИЯ ПРОБЛЕМАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДАЛАР

ПАРИЖ, (ТАСС). Бу ерда «кино санъати ва миллий маданият» мавзуида Совет-Франция коллоквиуми очилди. Коллоквиумни Франция-да ўтаётган Совет Иттифоқи кунлари муносабати билан «Франция—СССР» жамияти уюштирди.

Унда таниқли француз кинематографиячилари, танқидчилари, санъатшуносларн иштирок этмоқдалар. Совет санъатини Грузия кино устала-ри намойиш этмоқдалар.

Учрашув қатнашчилари замонавий кинематографиянинг энг муҳим проблемаларини муҳокама қиладилар. Миллий маданиятни ривожлантиришда кино санъатининг роли тўғрисидаги мунозара коллоквиум ишида катта ўрин эгаллайди. Совет мутахассислари ўзларининг француз ҳамкасбларини қизиқ миллатли Совет кинематографиясининг асосий йўналишлари, иттифоқдош республикалар студияларининг иши билан таништирадилар. Парижликлар ҳамда Франция пойтахтининг меҳмонлари кўплаб Совет фильмларини томоша қиладилар. Бу фильмлар «Франция — СССР» жамиятининг қарорлари-да бир неча кинотеатрда намойиш этнлади.

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЪЕЗД

ТОКИО, (ТАСС). Бу ерда ҳукмрон либерал демократик партиянинг навбатдан ташқари съезди бўлиб ўтди. Ўтган ойда партия раиси лавозимидан истеъфога кетиши тўғрисида ариза берган Дзенко Судзуки ўрнига партиянинг янги раисини сайлаб бўлиш съезд кун тартибидаги асосий масалалдир. Съезд ишида ЛДПдан парламент депутатлари ва шу партиянинг маҳаллий ўзўзини бошқариш органларидаги вакиллари иштирок этдилар. Маъмурий бошқарма бошлиги Ясухиро Накасоне партиянинг янги раиси қилиб сайланди. У дастлабки сайловда рақиблари —министрлар кабинет аъзолари бўлмиш Тосио Комото, Синтаро Абе ҳамда Итиро Накагавудан анча ўзиб кетди. Парламентнинг эртага очиладиган навбатдан ташқари сессиясида у Японнинг бош министри қилиб сайланади. Чунки мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органида либерал демократлар мутлақ кўпчиликни ташкил этади.

Я Накасоне тажрибали сиёсий арбобдир. У ҳар хил министрлик лавозимларида, шу жумладан Ташқи савдо ва Саноат министри, миллий мудофаа бошқармаси бошлиги бўлган. ЛДПда Я. Накасоне фракциялардан бирига бошчилик қилади.

Редактор И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

29 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Халқ куйлари.
9.55 «Кеча келибоқ...» Телевизион бадиий фильм.
11.05 «Ҳайвонот оламида».
12.05 «Стрежевой қарияларн». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар:
«Таклифнома»,
«Довюраклар спорти»,
«От юриши».
16.15 «Звездочёт» телевизион журнали.
17.00 Москва инженерлик-физика институтининг эркаклар академик хори куйлайди.
17.30 «Буратино кўргазмаси».
18.00 Югославия Социалистик Федератив Республикасининг миллий байрами — Республика кунига. «Болқонлардаги мамлакат».
18.35 «Сиз яратган боғ».
19.05 «Мушук Котофеевич». Мультфильм.
19.15 «Закарпатье хороводи». Фильм-концерт премьераси.
19.45 «Байрут. 1982 йил август». Ҳужжатли фильм премьераси.
20.00 «Арфа янграйди». Фильм-концерт.
20.10 «Доктор Младен». Бадиий фильм [Югославия].
21.30 «Время».
22.05 «Олам кинокамера кўзгусида». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи И. Фесуненко олиб боради.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Классик кураш бўйича жаҳон кубоги. Венгриядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

Профилактика муносабати билан душанба 29 ноябрь куни Марказий телевидениенинг II Умуминтифоқ программасида кўрсатувлар намойиш қилинмайди.

● УзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Бор эканда, йўқ экан, асал ари бор экан...» Болалар учун мультфильм.
18.20 «Кичик сеҳргарлар». Англрен шаҳар болалар цирк коллективининг чиқиши.
19.00 «Партия турмуши». Қашқадарё область партия ташкилотн иш тажрибасидан.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 Югославия Социалистик Федератив Республикасининг миллий байрами —Республика кунига. «Рақс». Фильм-концерт.
20.15 «Ноз-неъмат бунёдкори».
20.30 «Ахборот».
20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Қизлар-оналар». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

СЕШАНБА

30 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Орлёнок» телестудиясининг концерт залн.
10.25 «Доктор Младен». Бадиий фильм [Югославия].
11.45 «Урал тароналари». Концерт. Уфадан олиб кўрсатилади.
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ Советининг оддий иш кунлари». Телевизион ҳужжатли фильм.
15.35 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади!».
16.05 Бенин Халқ Республикаси миллий ансамблининг концерти.
16.35 «Қувноқ стартлар».
17.20 Чечен-Ингушистон АССР «Вайнах» Давлат халқ рақс ансамблининг чиқиши.
17.45 «Ёшлар адреслари».
18.45 «Беш йиллик. Ишлар ва одамлар». КАТЭК, Котласс целлюлоза-қоғоз комбинати, Рязань комбайн заводи коллективлари социалистик мажбуриятларининг бажарилиши ҳақида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «ЯГОНА ОИЛАДА». ГРУЗИЯ ССР.
Грузия ССР Министрлар Советининг раиси Д. Л. Картвелишвили сўзи.
«Грузия ҳақида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
Санъат усталарининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 Батутда сакраш бўйича халқаро мусобақалар. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
22.45 «Дунё воқеалари».
23.00 «Фестивалдар... Конкурслар... Концертлар...».

● МТ II

18.30. Янгиликлар.
18.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
19.50 «Москва». Кинокўрсатув.
20.00 «Биз БАМни қурямиз».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Бола—болада». Телевизион бадиий фильм.
23.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК —«Ижсталь». 3-давр. «Крилья Советов» Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун фильм. «Чопқир олов».
12.00 Болалар учун. «Ўйлаб топ» [такрорий].
12.30 «Қизлар-оналар». Бадиий фильм.
14.00 «Руставели изидан». Телевизион фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильм. «Кўзойнак таққан бола».
18.50 Болалар учун. «Қувноклар даврасида».
19.20 Шифокор суҳбати.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Халқ контроли экрани» [рус.].
20.15 «Дарё ёқалаб». Катталар учун мультфильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қишлов — чорвадорлар учун масъулиятли давр».
22.25 «Абу Райҳон Беруний». Бадиий фильм. 1-серия [«Узбекфильм», рус.].
23.30 Янгиликлар.

ЧОРШАНБА

1 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар: «Учовн Простоквашинодан», «Простоквашинодаги таътиллар».
10.15 «Бола — болада». Телевизион бадиий фильм.
11.25 «Тилларанг куз». Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар Катта хори рақс ва фольклор группаси ижросида музикали кўрсатув.
11.55 «Мангишлак. Биография давом этади». Ҳужжатли фильм.
12.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Ҳужжатли фильмлар:
«Эртанги кун ва нарядсиз ишлаш ҳақида».
«Шундай совхоз бор».
«Анна Ивановна».
16.15 «Драматургия ва театр». М. Шолохов қаҳрамонлари театр саҳнасида.
16.55 Д. Д. Шостакович номли квартет чалади.
17.25 «Горичилар, қаердасиз!».
18.15 «Алкоголизм ҳақида суҳбатлар».
18.45 «Қувноқ нотачалар».
19.00 «Уренгой—Ужгород газ қувури. Ивано-Франковск участкасида».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ёзги боғдаги биринчи қор». Кинолавҳа.
19.35 «Фан оламида».
20.00 Кампучия Халқ Республикаси миллий театри артистларининг концерти.
20.30 «Буюк халқ ҳақиқати». «Шон-шараф иши». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Нима! Қаерда! Қачон!». Телевизион викторина.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Г. Троепольский. «Оқ Бим, Қора қулоқ».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ёвуз». Бадиий фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 К. Сен-Санс. «Фантазия».
21.00 «Спорт ҳафталиги».
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Химик». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Болтиқ қирғоқларида». Телевизион ҳужжатли фильм.
12.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Совет хотинқизлари». Кинопрограмма.
12.30 Рус адабиёти. В. В. Маяковский сатираси [рус.].
13.00 «Абу Райҳон Беруний». Бадиий фильм. 1-серия [рус.].
14.05 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Тилла бола», «Селкнлвой ҳайвонларни ўргатувчи». Кўғирчоқ фильмлар.
18.30 «Ўсмирлар ижоди». Тошкент шаҳар Куйбишев районн Пионерлар уйи тўгараги қатнашчиларининг чиқиши.
19.00 «Узбекистон маданияти». Адабий композиция.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Инсон ва қонун».
20.15 «Дуэт». Ҳужжатли фильм [«Узбектелефильм»].
20.30 «Ахборот».
20.50 И. Исҳоков, Қ. Юсупов ва М. Орипов концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Абу Райҳон Беруний». Бадиий фильм. 2-серия [«Узбекфильм», рус.].
23.35 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА

2 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Горичилар, қаердасиз!».
10.25 «Киносаёҳатчилар клуби».
11.25 «Ўсмирлар ижоди».
11.55 Ишлаб чиқариш гимнастикаси.
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телевиденне студияларининг ҳужжатли фильмлари:
«Қаҳрамонлик балладаси».
«Чечен-Ингушистон ҳақида сўз».
«Шалале».
16.40 Латвия ССР Давлат академик хорининг концерти.
17.10 «Аслн болаликдан». В. Амлинский. «Зерниктирмайдиган боғ».
17.45 Тюмень филармонияси рус халқ чолғулари ансамблн чалади.
18.00 «Шахмат мактабн». «Оқ руҳ».
18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Совет кишисининг актив ҳаётий позицияси». КПСС XXVI съездн делегати, Костромадаги «Рабочий металлист» заводининг темирчиси А. Мохов ҳақида.
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «ЯГОНА ОИЛАДА». ҚОЗОҒИСТОН ССР.
Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси С. Н. Имашев сўзи.
«Келажакка интилганлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
Санъат усталарининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Дўстларимиз чеҳраси».
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 «Оперетта байрами».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
19.20 «Қўшиқ инсон билан қолади».
20.10 «София, Рус бульвари». Ҳужжатли фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Халқаро конкурс лауреати В. Шакин чалади. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
21.00 «Ерда, самода ва денгизда».
21.30 «Время».
22.05 «Йўлдаги икки киши». Телевизион бадиий фильм.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун. «Бойчечак» [такрорий].
12.00 «Коллектив қалби». Телевизион ҳужжатли фильм.
12.30 «Абу Райҳон Беруний». Бадиий фильм. 2-серия [рус.].
13.45 «Ўртоқ авлодлар». Телевизион фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Тоғлар ва денгизлар учрашди». Болалар учун фильм-концерт.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади». «Сенинг замондошинг».
19.00 «Биз—ватанпарвар-интернационалистлармиз». «СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводидаги Надежда Пьянкова бошлиқ бригаданинг интернационал коллективи ҳақида ҳикоя [рус.].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Актёрар ва роллар». Эркин Комилов.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Актёрлар ва роллар». Эркин Комилов [давоми].
21.30 Москва. «Время».
22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Улар Ватан учун жанг қилганлар». Бадиий фильм. 1-серия.
23.25 Янгиликлар

ЖУМА

3 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ҳуёш активлиги нили». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серналар.
11.00 В. Ковтун чалади [аккордеон].
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар бнримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
«Соликамск тажрибаси».
«Темиртов тажрибаси».
15.55 «Рус тили».
16.25 «Москва ва москваликлар».
16.55 Афғонистон артистларининг чиқиши.
17.25 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Энг қадимги эртак».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.00 «Кўчат ўтказ». Телевизион ҳужжатли фильм.
20.25 «Бир йўла ўтказиладиган ўнин сеанси». Телевизион бадиий фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Московские новости» газетасининг совриии учун фигурали учиш бўйича халқаро турнир. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саронидан олиб кўрсатилади.
22.35 «Рус музейи». А. Венецианов, П. Федотов ва уларга замондош рассомлар.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 «Москва бўйлаб саёҳат. Горький кўчаси».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Илмий-оммабоп фильмлар.
19.30 «Салют, пионерия!» Ашхобод шаҳар Пионерлар саройи бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқиши.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Тошкент. Олмазор». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси [Тошкент].
21.00 «Жасорат». Сталинград остоналарида немис-фашист қўшинлари тор-мор қилинганлигининг 40 йиллигига.
21.30 «Время».
22.05 «Шахсий масалалар бўйича бир неча интервью». Бадиий фильм.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Ўринбосарлар». Телевизион фильм.
12.30 Жамиятшунослик. Ҳозирги замон империализмининг асосий хусусиятлари.
13.00 «Улар Ватан учун жанг қилганлар». Бадиий фильм. 1-серия.
14.20 «Бир кунда уч карра раҳмат». Телевизион фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Дилли-Далли қуёшли боғда», «Тонгги қўшиқ». Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Тошкент область Калининн районн ёшлари билан ижодий учрашув.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Дала ишлари кундалиги».
19.55 «Ижод гулшани». Тележурнал.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Узбекистон композиторларининг янги асарлари». Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестри ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Улар Ватан учун жанг қилганлар». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50 Янгиликлар.

ШАНБА

4 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
10.10 «Ота-оналар, Сизлар учун».
10.40 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.10 «Якуб амаки». Белорусся халқ шоири Якуб Колас ҳақида ҳужжатли фильм.
12.00 «Жаҳон халқларининг ижоди». Лаосниинг амалий санъати.
12.40 «Спортлото»нинг 49-тиражи.
12.50 «Сталинград болалари». «Ёш замондошим — коммунизм қурувчиси» Ёшлар телевизион программаларининг V Бутуниттифоқ фестивалида соврин олган фильм.
13.20 «М. Касрашвили куйлайди». Фильм-концерт премьераси.
13.45 «Сиз бунга қодирсиз».
14.30 «Рус музейи». Қадимий рус живописи.
15.00 «Дунё воқеалари».
15.15 Болалар учун фильм. «Салом, Зузанка! Хайр, Зузанка!» [ЧССР].
16.00 «Чолғучилар куй ҳақида». СССР халқ артисти, композитор А. Бабажанян билан учрашув.
16.55 Г. Берлиоз. «Ромео ва Юлия». СССР халқ артистлари Е. Максимова ва В. Васильев иштирокида фильм-концерт.
18.10 Снесний шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
18.40 Мультфильмлар.
19.00 «Идеалист». Телевизион бадиий фильм премьераси.
19.30 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради.
20.30 «Московские новости» газетасининг совриии учун фигурали учиш бўйича халқаро турнир. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Московские новости» газетасининг совриии учун фигурали учиш бўйича халқаро турнир [давоми].
22.50 Бадиий гимнастика бўйича Интервидение кубоги. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
23.45 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 «Йўлдаги икки киши». Телевизион бадиий фильм.
10.40 «Тонгги почта» музикали программаси.
11.10 «Классика билан учрашув». Фильм-концерт.
12.25 «Сенга, шаҳрим». Концерт. Ленинграддан олиб кўрсатиладн.
12.55 ГРУЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ:
«Тбилиси лавҳалари». Телевизион ҳужжатли фильм.
«Мзнури». Телевизион музикали фильм.
Санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти.
15.05 «Киносаёҳатчилар клуби».
16.05 «Кинопанорама».
17.35 «Музикали киоск».
18.05 Мультфильмлар.
18.35 И. И. Левитан уй-музейи ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
19.25 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
20.15 Халқаро обзор.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Масхарабоз». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серналар.
00.35 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Ижсталь». 3-давр. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Мактабгача ёшдаги болалар учун. «Сўз кетидан сўз келар».
10.30 Ф. Дюрренматт. «Авария». Телеспектакль.
12.00 «Кинопублицист экрани». «Озиқ-овқат программаси амалда» [рус.].
12.45 «Улар Ватан учун жанг қилганлар». Бадиий фильм. 2-серия.
14.00 «Ҳаёт кабн тирнк».
14.30 «Йўл ҳаракатн хавфсизлигн учун» [рус.].

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик».
18.50 «Санъат гунчаларн». Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Хоразм область Хазорасп районидаги «Булбулча» ансамбли ижро этади.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Премьералар, учрашувлар, дебютлар». Республика кўғирчоқ театри [рус.].
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Йўлчиева куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Эртага—премьера». Кўрсатувни кинодраматург Ф. Мусажонов олиб боради.
23.10 «Сув остидаги қўрмқхона». Телевизион фильм.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

ЯКШАНБА

5 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Чашмалар».
10.10 Мультфильмлар: «Мушукча Филя ва...», «Мушукча ва кучукча қандан қилиб пол ювишди».
10.30 «Великий Устюг ҳақида хотиралар». Телевизион ҳужжатли фильм.
10.45 «Будильник».
11.15 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
12.15 «Қўшиқларимиз, парвоз эт!». Болалар хор коллективларининг концерти.
12.45 «Здоровье».
13.30 «Тонгги почта» музикали программаси.
14.00 «Қишлоқ янгиликлари».
15.00 «Музикали киоск».
15.30 «Московские новости» газетасининг совриии учун фигурали учиш бўйича халқаро турнир. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.
17.00 «Ветераилар, Сизлар учун». Музикали программа.
18.00 «Киносаёҳатчилар клуби».
19.00 «Халқаро панорама».
19.45 «Московские новости» газетасининг совриии учун фигурали учиш бўйича халқаро турнир. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.
21.00 «Асрлар оша авайлаб». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 А. Н. Островский. «Талантлар ва мухлислар». Фильм-спектакль.
23.30 Бадиий гимнастика бўйича Интервидение кубоги. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
00.25 Янгиликлар.

● МТ II

15.25 ҚОЗОҒИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ:
«Қозоғистон: дўстлик вахтаси». Ҳужжатли фильм.
«Отрар сазы» Фольклор ансамблининг концерти.
«Шаҳрим тароналари». Санъат усталарининг концерти.
16.55 «Революция туфайли туғилган». Кўп сериали телевизион бадиий фильм. 3-фильм. «Ут-олов ичида».
18.15 «Сув қанча турадн!». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
18.35 Мультфильмлар.
19.00 Бокс бўйича СССР мутлақ чемпионати. «Дружба» универсал спорт залидан олиб кўрсатилади.
19.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
20.00 Санъат усталари концерти. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
21.30 «Время».
22.05 Санъат усталари концертининг давоми.

● УзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 «Тулпорим». Бадиий фильм [«Узбекфильм»].
11.25 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ҳужжатли кино экранн».
12.10 «Қувноқ стартлар».
13.00 «Афғонистон: революция давом этмоқда». СССР ва Афғонистон ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланганлигининг йиллигига.
13.55 «Узбекистон спорти».
14.25 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Мушукча Леопольднинг қасоси», «Полизчи-хўтик». Мультфильмлар.
18.40 Болалар учун. «Фонарик» [рус.].
19.10 «Қишлоғимиз ўқитувчиси». Ҳужжатли фильм премьераси [«Узбектелефильм»].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!»
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!». Қорақалпоғистон АССР ва Узбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда —Тошкент области.
21.30 Москва. «Время».
22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!» Қорақалпоғистон АССР ва Узбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда—Тошкент области [давоми]. Кўрсатув тугагач —Кўрсатувлар программаси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
1983 ИИЛДА ИНСТИТУТГА КИРИБ ЎҚИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН
8 ОЙЛИК ПУЛЛИК
ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
КУРСЛАРГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ


Машғулотлар 1 декабрда бошланади.
Қуйидаги фанлар бўйича машғулотлар олиб борилади: математика, география, физика, химия, биология, рус тили (ўзбек тили) ва адабиёти.
Курсларга кирувчилар институт ректори номига қуйидаги ҳужжатларни шахсан топширадилар: ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), иш жойидан справка.
8 ой ўқиш учун 50 сўм ҳажмида пул институтнинг Тошкент шаҳри Давлат банки Куйбишев бўлинмасидаги 14040 номерли ҳисоб счётига почта орқали ўтказилади.
Институт адреси: 700183, Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими.

МУЗИКА ХОНАДОНИНГИЗДА
Музикани яхши кўрган, ашулага ихлос қўйганларни
ТОШКЕНТ ОВОЗ ЁЗИШ СТУДИЯСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Уй адресингиз, алоқа индекси, фамилиянгиз, исмингиз, отангизнинг исми, шунингдек, музика асарлари, магнитофон лентасининг тури, метраж ва тезлиги кўрсатилган хатингизни олиш биланоқ овоз ёзиш студияси хизматга киришади.

Овоз ёзиш студияси ўзида мавжуд бўлган ҳар қандай тип ва метраждаги магнитофон лентасига, шунингдек, компактли кассеталарга моно ёки стерео овозларни ёзиб беради.

Сизга Самарқанд, Бухоро, Тошкент манзараси туширилган монофоник пластинкаларни бадиий тайёрлаб беради, шунингдек пластинкаларга буюртмачининг фотосуратини тушириб беради. Буюртмачи тасвири туширилган буюртмани бажариш учун хат билан бирга равшан, сиймаган, камида 6х9 см. ҳажмдаги фотосуратни юбориши керак.



Олдиндан пул юборманг. Чунки буюртмалар қўшимча хат олинган ҳолда Совет Иттифоқининг исталган аҳоли яшаш пунктига юборилади.

Магнитофон лентасига ҳамда компактли кассеталарнинг сифатига студия кафолат беради.

Йўқлаб олиш учун буюртмалар юборилмайди.

Мактаблар, Пионер саройлари, шаҳар ҳунар-техника билим юртлари ҳамда бошқа ўқув ва маориф муассасалари раҳбарлари диққатига!

Овоз ёзиш студиясида пионер фонотекаси мавжуд. Бу қўлланма 26 фонограммадан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири маълум мавзуга (Ленин, партия, комсомол, пионерия, пионерлар чақириғи тўғрисида қўшиқлар) мос бўлиб, муфассал каталогларга жойланган бўлади. Фонотекадан, шунингдек, бадиий ҳаваскорлар концерт қўйиб беришда ва бошқа тадбирларни ўтказишда фойдаланишлари мумкин.

ТАРИФ БЎЙИЧА ХИЗМАТ БАҲОСИ:

бир дона пластинка тайёрлаш — 9 тийин;

(буюртмачининг сурати туширилган бир дона пластинка тайёрлаш —1 сўм 55 тийин.

Магнитофон лентаси ҳамда компактли кассетани ҳисобга олинмаган ҳолда магнитофон ёзуви.

Монофоник ёзувнинг бир минути — 9 тийин;

стереофоник ёзувнинг 1 минути—13 тийин.

ХАТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ!

Бизнинг адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 29-уй.

МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ КОНТОРАСИНИНГ
ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНИ
ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

1983 йилда чиқариладиган адабиётлар тематик плани бўйича ижтимоий фанлар, табиатшунослик, техника, медицина, қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган нашрларга обуна қабул қилинмоқда.

НАШРЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАРКАЗИЙ НАШРИЁТЛАР НАШР ҚИЛАДИ:

«Висшая школа»,
«Искусство»,
«Қозон Давлат университети»,
«Книга»,
«Колос»,
«Легкая и пищевая промышленность»,
«Лесная промышленность»
«Машиностроение»,
«Медицина»,
«Международные отношения»,
«Москва Давлат университети»,
«Недра»,
«Педагогика»,
«Радио и связь»,
«Стройиздат»,
«Судостроение»,
«Транспорт»,
«Финанси и статистика»,
«Экономика»,
«Энергоиздат»,
«Юридическая литература».

ОБУНА 1982 ИИЛ 30 ДЕКАБРГАЧА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй, 17-магазин.

Сиз вақтингизни тежаш мақсадида тематик планлар билан танишишингиз ва оддий почта открнткасига исталган яқин атрофдаги универсал китоб магазинида олдиндан буюртма беришингиз мумкин.

«ТАШКНИГА».

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41* ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46 Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03339 Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри, Иидеккс 64543. А. 1173. 11